ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА • ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

18 октябр, № 42 (3379)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳомийлигида бунёд этилган тарихий обидаларни таъмирлашда қадимий ноёб усулларни жорий этишга қўшган улкан ҳиссалари учун Эгамберди Нуруллаев, Матлабжон Махмудов, Абдуворис Фаттоев ва Ражаб Юсуповга 1996 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1996 йил, 15 октябр



Тошкент. Темурийлар тарихи давлат музейи.

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

САВОЛ. Ислом Абдуғаниевич! Кейинги пайтда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиётдаги демократик бозор янгиланишлари бузиб кўрсатилаётгани, нохолис ёндашилаётганига муносабатингизни билмоқчи эдик...

ЖАВОБ. Бу саволга жавоб бериш учун СССР барбод бўлганидан кейин бу ҳудудда юзага келган икки асосий муаммога тўхталиш лозим.

Биринчидан, эски тузум соғинчи азоб бераётган ҳамда собиқ иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш истаги билан яшаётган Москвадаги айрим сиёсатчилар ва уларга хизмат қилаётган матбуотга бугунги кунда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен Ўзбекистоннинг мустақил йўли тинчлик бермаяпти.

Улар ўтмиш қолипидан, салтанат даъвосидан, бугунги кунда ҳам ўзларининг собиқ шўролар ҳудудидаги мустақил давлатлар билан муносабатини оға ва ини ақидасига мослаб қуриш, эски, уларнинг тушунчаси бўйича яхши даврлардаги сингари, ҳамма нарсани марказдан туриб ҳал қилиш истагидан қутула олишмаяпти.

Айнан мана шу кайфият айрим «мустақил» деб аталмиш газеталарда бирёқлама мақолалар чиқишига сабаб бўлаётир.

Эртами-кечми, барибир бу касалдан фориғ бўлишга тўғри келади. Бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Бундан ҳамма манфаат кўради.

Биз эса, катта-кичик давлатлар, катта-кичик халқлар бўлмайди, балки халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бор ҳамда улар бир-бирини ҳурмат қилиши керак, деган ақидадан келиб чиққан ҳолда барча давлатлар ва халқлар билан муносабатимизни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосга қуришни истаймиз.

Биз барча узоқ ва яқин қўшниларимиз, биринчи навбатда демократик кайфиятдаги Россия билан, кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган рус халқи билан яхши муносабатда бўлишга интиламиз.

Бизнинг сиёсатимиз энг аввало ана шу ақидалар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларига асосланган ҳолда шаклланиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Иккинчидан, собиқ шўролар ҳудудидаги кўпгина давлатлар бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушгани, айтиш мумкинки, боши берк кўчага кириб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Энг аввало оддий кишиларнинг оғир аҳволга тушиб қолгани, ислоҳотларнинг дастлабки пайтида ўжарлик билан ўтказилган «фалаж қилиб даволаш» деб ном олган жараённинг натижаси бўлиб, бундай оқибат одамларда норозилик туғдирмоқда. Ваъдалар ваъдалигича қолиб, барқарорлик ўрнатилиши ва оғир вазиятдан чиқиб олишнинг янги-янги муддатлари охири кўринмаяпти.

Бундай аҳволни оқлашнинг кенг тарқалган изоҳи — бугунги аҳвол бозор иқтисодиётига ўтиш, эски ижтимоий муносабатларнинг парчаланиши жараёнининг муқаррар натижаси, деган гап бўлиб қолди. Собиқ шўролар ҳудудидаги барча давлатлар бошидан кечираётган муқаррар фалокат, гўё СССР барбод бўлганидан кейин иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг узилгани оқибати эмиш.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларни, халқ тафаккур тарзини чуқур билиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидан ишонч билан, дадил бораётгани, бу йўлнинг, янгиланишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳамда кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлиги умумий манзарага «қовушмай» турибди.

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида чекинмасдан, аксинча, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги устувор йўналишларни танлаш ва амалга оширишни ўз зиммасига олган сиёсат, кишиларни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, бозор ислоҳотларига хос, ҳақиқатан ҳам муқаррар бўлган қийинчилик ва камчиликларни иложи борича камайтириш, юмшатиш учун имконият даражасидаги ҳамма ишни қилишга қаратилган Ўзбекистон давлат сиёсати мамлакатимиздаги вазиятнинг, ўзгалардан фарқли ўлароқ, мўътадил бўлиб турганига сабабчидир.

Собиқ шўролар ҳудудидаги давлатлар тараққиётининг кейинги беш йилдаги натижаларини олиб кўринг. Уларнинг аксарияти бугун барқарорликнинг эндигина белгиланаётган ёки кўзга ташланаётган куртаклари ҳақида жуда кўп гапирмоқда.

Лекин бу солиштириш ва қиёслаш қайси даврга нисбатан қилинмоқда? Маълум бўлишича, ўтган 1995 йилга нисбатан экан. Агарда оддий мантиқ тақозосига кўра, куртаклар деб айтилаётган ўша кўрсаткичларни ислоҳот бошланган 1990 йил билан қиёслаб кўрсакчи, у ҳолда нимани кўрамиз? Амалда иқтисодиётнинг барча соҳасида 50-70 фоиз ўпирилишни кўрамиз. Ёки бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ҳамда шунга биноан аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари бугунги кунда 60-70-йиллар даражасига тушиб қолгани маълум бўлади. Мана сизга ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати.

Айримларга ўхшаб, Ўзбекистоннинг мустақиллик ва суверенитет йилларида эришган ютуқлари ҳақида жар солишни истамас эдим. Лекин шуни қатъий айтиш мумкинки, биз мамлакатимизда бундай ўпирилишларга йўл қўймадик.

МДҲнинг халқаро статистик қўмитаси эълон қилган объектив статистик кўрсаткичлар ҳам кўп нарсани айтиб турибди. Умумий ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, умуман Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёти 1996 йилда 1990 йилдагига нисбатан камайгани йўқ. Аксинча, жуда кўп соҳаларда барқарор ўсиш таъминланмоқда.

Биз шу йиллар мобайнида иқтисодиётни мунтазам ва барқарор ривожланиришнинг мустаҳкам асосини, пойдеворини яратдик. Сармоя сарфлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ички сармоя ва хорижий сармоя ҳисобидан янги иншоотлар ва корхоналар қурилмоқда, янги илғор тармоқлар барпо этилмоқда. Таркибий қайта қуриш давом этмоқда. Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, миллий валюта мустаҳкамланмоқда.

Нодавлат сектори, хусусий корхоналар иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллаб турибди, ўрта ва кичик бизнес тез ривожланиб бормоқда. Аслида ўртаҳол мулк эгалари синфи шаклланмоқда. Қисқа қилиб, Ўзбекистонда бозор ислоҳотлари ва демократик янгиланишлар барқарор тус олди, дейиш мумкин. Бу ҳақда, менимча, республикамиз парламенти — Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида ҳам ишонарли тарзда гапирилди. Аммо, энг муҳими, буни фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида, олисда ҳам кўриб ва сезиб туришибди.

Бу айрим сиёсатчилар ва ахборот воситаларининг зардасини қайнатаётган иккинчи муаммодир.

Ўзбекистоннинг ютуқлари уларнинг ғашини келтирмоқда, бизнинг муаммоларимиз, хато ва нуқсонларимиз эса уларни хурсанд қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулаверади.

Айрим Россия газеталарининг саҳифаларида пайдо бўлаётган турли уйдирмалар ва бўҳтонлар, сиёсатимизни бадном қилишга, миллатлараро нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочишга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари ана шунга асосланган. Шу мақсадда бизнинг умумий тарихимиз, Марказий Осиёда яшаётган миллатлар ва халқларнинг тарихи тафтиш қилинмоқда.

Эркин матбуот хоҳлаган нарсани ёзишини, содир бўлаётган воқеаларни ўзича кўриб, уларга ўзича баҳо бериши мумкинлигини, ўз фаразлари бўлишини тушунамиз. Бу табиий ҳол. Лекин ўзини демократик ва маърифий деб ҳисоблаган бирорта мамлакатда атайлаб миллатлараро нифоқ чиқа-

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕК ВА НЕМИС МУСИҚА МАКТАБЛАРИ УЧРАШУВИ

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий Ассоциациясида Германия Федератив Республикаси маданият кунлари муносабати билан юртимизга ташриф буюрган Иоганн Бах номидаги мусиқа гимназияси делегацияси аъзолари шарафига учрашув бўлиб ўтди.

Кечада ГФРнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Райнхардт Биндзайл жаноблари, Ўзбекистон — Германия жамияти фаоллари, Успенский номидаги республика мусиқа мактаби намояндалари, олий ўқув юртлари талабалари ва мусиқа шинавандалари иштирок этдилар.

Халқаро Алоқалар Миллий Ассоциациясининг «Епог—Берлин—Бранденбург—Германиядаги Ўзбекистон дўстлари жамияти» билан ўрнатган яқин алоқаларининг натижаси ўлароқ, ушбу жамият раиси Дитер Шулмейстер бошчилигидаги ҳайъат шу йилнинг баҳорида ўлкамиз меҳмони бўлган эди. Мазкур ташриф чоғида имзоланган шартномага биноан икки мамлакат мусиқа мактаблари ҳайъатларининг ўзаро бордикелдилари ҳақида келишиб олинди.

Мазкур аҳдлашувга кўра, дастлаб Берлиндан 12 кишидан иборат мусиқачилар ҳайъати Тошкентга ташриф буюрди. Меҳмонлар бир ҳафта давомида шаҳримиз Тошкент ва кўҳна Самарқандда бўлиб, турли санъат кошоналарида концертлар берадилар, ҳамкасабалари ва мусиқа шайдоларини ўз маҳоратлари билан таништирадилар.

Қабул маросимида Ассоциация раиси М. Мирқосимов Ўзбекистон ва Германиянинг маданият соҳасидаги алоқалари борасида қисқача тўхтаб ўтди.

Кечада жамият вице-президенти, академик Йўлдошбоев, ҳайъат раҳбари, доктор Дитер Эберт, Успенский номидаги мусиқа мактабининг директори К. Зокиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тадбирнинг бадиий қисмида ўзбек-немис мактабларининг иқтидорли ўқувчилари истеъдодларини намойиш этдилар. Тошкентлик Эдик Мансоров (виолончелда), Элеонора Остаточникова (пианинода) жаҳоннинг машҳур композиторлари асарларини маромига етказиб ижро этдилар. Шундан сўнг, берлинлик ёш мусиқачилар ижросида М. Глинканинг «»Патетик трио»си, Шмидт квартети ва бошқа асарлари янгради.

Қабул маросимига ташриф буюрганлар Ассоциация залларида уюштирилган расмлар, миниатюралар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

«Жаҳон» Ахборот Агентлиги

* * *

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида ушбу маданият кунлари доирасида юртимизга келган Иоганн Бах номидаги Берлин мусиқа гимназияси директори Дитер Эберт ва гимназия профессори Галина Иванцова ҳамда ёш мусиқачилар билан суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбат пайтида вазир ўринбосари Р. Юнусов меҳмонларга республикамиз маданий ҳаёти, ўзбек мусиқаси тарихи ва унинг бугунги ютуқлари тўғрисида атрофлича сўзлаб берди. Айниқса, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан юртимизда амалга оширилаётган маданий тадбирлар ва бунёдкорлик ишлари тўғрисида меҳмонлар марок билан тингладилар.

Шу куни меҳмонлар В. Успенский номидаги ўрта махсус мусиқа мактабида концерт бердилар.

Мақоланинг давоми топилди

Ўзбек тилшунослигининг чуқур билимдонларидан бири Фитратнинг «Тилимиз» сарлавҳали мақоласи эълон қилинганига 77 йил бўлди. Она тилимизнинг софлиги учун курашга даъват этган бу мақолада туркчанинг бой ва гўзаллиги очиб берилган ҳамда унинг ўша замонда бахтсизлигининг сабаблари ёритилган эди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг, ушбу мақолани «ЎзАС» саҳифаларида (1990 йил, 12 май) ўқиган эдик. Ўтган олти йил давомида Фитрат илмий мероси ҳақида бир қанча ишлар амалга оширилди, олимнинг тилшуносликка доир асарлари ҳақида бир рисола ёзилди, бир диссертация ёқланди, мақолалар эълон қилинди. Бироқ Фитрат домланинг машҳур «Тилимиз» мақоласининг давоми борлиги айтилган бўлса ҳам, уни топиб эълон қилишга негадир рағбат кўрсатилмади(Биз Фитратдай зукко тилшуноснинг илмий мероси ҳақида тасаввурингизни янада бойитиш мақсадида ушбу мақолани табдил этиб, эълон қилишга журъат топдик. Ўйлаймизки, тилимизнинг бойлиги ва тозалиги учун курашган олимнинг изланишлари мустақил мамлакатнинг давлат тилига айланган ўзбек тилининг бугунги мавқеи учун ҳам асқотади.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

3-бет

Отин мардлар минади — 2-бет

Темурий маликалар абадияти — 4-бет

«ГУЛИСТОН» СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ

Обуна—97

«Гулистон» журнали 1997 йилнинг ибтидосидан ҳамма давру замонларда Одам фикратининг чўққиси ҳисобланган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг буюк «Маснавий»си билан муштарий остонасини ҳатлашга бел боғлаган. «Маснавий» Туркиядан асримиз бошларида катта воқеага айланган нодир нусха асосида чопга ҳозирланмоқда. Шунингдек «Маснавий» билан бир қаторда йил давомида Мавлоно ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятларига доир қимматли манбалар топилдиқлар, энг янги тафсилотлар ҳам илова шаклида бериб борилади.

1996 йил «Гулистон» журнали қарийб барча сонларида амирал ал мўъминийн Амир Темур ҳаётига доир ўнлаб нодир манбаларни чоп этди. Келгуси йил режасида Темур ва темурийлар салтанатига доир сара тадқиқотлар чопга ҳозирланяпти. Бундай тадқиқотлар жумласига Э. Холденнинг «Ҳиндистон императори буюк Акбаршоҳ», турк олими Исмоил Аканинг «Амир Темур», Бахтиёр Исабековнинг «Ростий-рустий» каби асарларини киритиш мумкин.

«Гулистон» девони» рукни, асосан, шоирларга бағишланган. Бу рукн остида мумтоз адабиёт намуналари билан бир қаторда, замонавий шеъриятимизнинг Шавкат Раҳмондан токи Салим Ашургача бўлган намояндаларининг энг сара манзумаларини ёритишни назарда тутганмиз.

Янги «Бедорлик» рукнида бугуннинг энг машҳур асари ва унинг муаллифи билан мулоқот ўтказилади. Рукннинг дастлабки меҳмони — машҳур «Шайтанат» ва унинг муаллифи Тоҳир Малик. Шунингдек, муштарийлар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Ҳалима Худойбердиева, Нурали Қобул, Хуршид Даврон, Набижон Боқий каби сўнгги йилларда адабиётда ҳодиса саналган асарлар муаллифлари билан дийдорлашадилар.

4 • 1996

Маълумки, миллий мафкура, миллий маданият масалалари атрофида бутун матбуот тизимида давом этаётган назарий баҳсларга «Гулистон»дан ҳам кенг ўрин берилган. «Маънавият ва маърифат» бўйича янги рукнларда материаллар режалаштирилди. Бироқ бу ҳодисаларнинг ҳақиқий ижодда мусиқа, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, маданият соҳаларида қай тарзда намоён бўлаётгани ҳақидаги чуқур тадқиқотлар ҳали-ҳануз бармоқ билан санарли.Биз маданиятимиз билимдонларини ана шу муаммони очиб беришга жалб этиш ниятида «Ватан пойдевори» рукнини ташкил этдик.

Журнал зарварақларида тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва халқ амалий санъати намуналари билан бир қаторда, мусаввирларимиз Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Ғафур Абдураҳмонов, Рўзи Чориев, миллий меъморчилигимиз отаси уста Маҳмуд Усмонов ва унинг шогирдлари ўз асарлари билан иштирок этадилар.

Иншоаллоҳ «Гулистон» Шайх Саъдий ҳазратларининг «Гулистон»и сари бўй чўзаётир. Бунда шайх ҳазратлари бўстонининг тотли ифорлари бор.

Сиз ҳам бу бўстонга таважжуҳ айланг, азиз муштарийлар!

«Гулистон»нинг индекси: 75233.

Обуна баҳоси бир йилга — 286 сўм 80 тийин.

Асқар МАҲКАМ,
журнал бош муҳаррири муовини

Оламда нима гап?

ПРЕЗИДЕНТ КЛИНТОННИНГ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги янги элчиси Содиқ Сафоевнинг АҚШ Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиғи топшириш муносабати билан Оқ уйда ўтказилган маросимда Президент икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгаяётганлигидан мамнун эканлигини билдириб, жумладан шундай деган: «Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у — бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз...

ОЙИГА 2 ТРИЛЛИОН РУБЛ

Россия Федерацияси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Виктор Илюшиннинг Ҳукумат уйида ўтказилган матбуот конференциясида келтирилган маълумотларга кўра ҳозир мамлакат аҳолисининг ҳар тўртинчиси чор-ночор аҳволда кун кечирмоқда. Аҳолининг реал даромадлари 1991 йилга нисбатан 40 фоизга камайиб кетган. Ҳукуматнинг нафақахўрлардан қарзи шу йилнинг 1 октябрига 14 триллион рублга етган ва бу қарз ойига 2 триллион рублга кўпаймоқда.

МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИНГ ОЧИҚ ХАТИ

Телевидениенинг 4-каналидаги «Россия дорилфунунлари» дастурининг ёпилиши муносабати билан мамлакатнинг кўзга кўринган маданият арбобларидан катта бир гуруҳи президент Борис Елсинга мактуб йўлладилар. Унда таъкидланишича, мазкур теледастурнинг тўхтатилиши натижасида россияликлар хорижий тиллар, адабиёт, тарих, фалсафа, дунёвий динлар тарихи ва компютер техникаси асосларини бепул ўрганиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Ташвишланарлиси шундаки, — деб куюнишади маданият арбоблари, — бундай қарор оқибатида ёш авлодни ватанпарварлик ва эстетик руҳда тарбияловчи кўрсатувлар ҳам йўқ бўлади, оилани мустаҳкамлашга қаратилган якшанбалик «Оила канали» қайта эфир юзини кўрмайди.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ЯХШИ-ЁМОНИ БОРМИ?

Россия Федерациясида бугун кечаётган кўпгина воқеа-ҳодисалар ўзининг ажабтовурлиги билан ҳам характерлидир. Шулардан бири — мамлакатда коммунистларнинг турли-туман номдаги янги-янги партияларининг вужудга келаётганидир. Таъбир жоиз бўлса, сиёсий саҳнада қайси комфирқа яхшию, қайси ёмон деган мусобақа кетмоқда. Яқинда ташкил этилган «Россия коммунистик ва социалистик кучлари» ҳаракати раҳбари Анатолий Крючковнинг фикрича, бу ҳаракат ҳукумат билан муроса йўлига ўтиб олган (?) зиёноврчи коммунистлардан фарқли ўлароқ, ҳокимият учун қатъий кураш олиб боради. Крючков жаноблари ҳокимиятни меҳнаткашларга қайтариш, президентлик институтини бекор қилиш ва оқибат натижада... СССРни тиклаш мақсадини мутлақо яшираётгани йўқ.

ТОЛИБЛАРНИНГ АҲВОЛИ ТАНГ

Афғонистондан олинаётган маълумотларга қараганда, бундан икки ҳафта олдин деярли қаршиликсиз пойтахтни эгаллаб олган «толибон» ҳаракати кучлари Аҳмад Шайх Маъсуд раҳбарлиги остидаги ҳукумат қўшинларининг зарбалари остида чекинмоқдалар. Парвон вилоятидаги Чорикор шаҳри толиблардан озод этилган. Ғарб ахборот агентликларининг маълумотларига қараганда, «Толибон» раҳбарларидан бири Мулла Абдул Раззоқ асир олинган.

Воқеалар ривожининг бундай тескари тус олишини кутмаган толиблар мамлакат пойтахтида зўравонликни кучайтирмоқдалар. Маъмурий бинолар вайрон қилиниб, газета-журналлар, санъат асарлари шафқатсизларча ёқиб юборилмоқда.

«Би-би-си» хабарларига қараганда, толибончиларнинг бир қисми мамлакат пойтахтига ҳужум билан яқинлашиб келаётган ҳукумат қўшинлари томонига ўтишган. Толиблларнинг зуғумларидан жабр кўрган аҳоли Масъуд кучларини очиқдан-очиқ қўллаб-қувватламоқда.

Оламда нима гап?

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

(Боши биринчи бетда)

ришга, миллий қадриятларни таққирлашга қаратилган уйдирма ва бўҳтонлар, умумэътироф этилган мавжуд чегара ва ҳудудларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги чақириқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: мамлакатимизни ичдан емиришга уринишмоқда. Шу сабабли мен осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқларининг бирлиги кифоя қилмайди, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб қатъият билан айтмоқдаман. Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган муқаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўйни биз биргаликда асрашимиз лозим.

САВОЛ. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган миш-мишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

ЖАВОБ. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаётган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1993 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта — сўм ҳозирги вақтда барқарор мустаҳкамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислоҳотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидаги камомад ҳажмининг жуда камлиги келишган ҳолда бўлиши, ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими — бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютамиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта — сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта заҳирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз заҳиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва гаразли уйдирмаларга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. **Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва порахўрлик ҳолларини бартараф этишга қаратилган.** Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислоҳотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим баравар кўпайиб, 2 миллиарддан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шериклар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади.

САВОЛ. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътибори бу мамлакатда содир бўлаётган фожиали воқеаларга қаратилган. Қўшни Афғонистонда вужудга келган вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБ. Афғонистонда юз бераётган воқеалар барча мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарларини, биринчи навбатда, Афғонистонга қўшни бўлиб яшаётган кишиларни ташвишга солмай қўймайди.

Афғонистонда фуқароларнинг биродаркушлик уруши 18 йилдан буён давом этмоқда. Уша вақтда айтилганидек, «ўз байналмилал бурчини бажариш», «халқаро империализм кирдикорларига йўл қўймаслик учун» совет қўшинлари чекланган қисминнг мустақил Афғонистон ҳудудига киритилиши бу урушнинг бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Бунинг оқибатида ўн минглаб собиқ Совет Армияси аскарлари ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ этилди. Хароб бўлган тақдирлар, оналар ва аёлларнинг йиллаб, ҳатто ўн йиллар давомида ҳам тузалмайдиган ғамзадалиги ҳам ана шу уруш натижасидир. Юз минглаб нобud бўлган афғонистонликлар, миллионлаб қочоқлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, жафокаш Афғонистон халқининг тақдиридаги қонли воқеалар ва бедоқ ғам-алам шу уруш туфайлидир. Ҳадемай Афғонистон ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига 9 йил тўлса-да, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ, аксинча, авж оляпти.

Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаш учун этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар олиб бораётган уруш гоҳ у, гоҳ бу томоннинг вақтинчалик устунлиги билан давом этмоқда. Сиёсий партиялар ҳам, уларнинг етакчилари ҳам асосан аҳолининг турли этник гуруҳлари ва кучли қариндош тўдалар намояндалари бўлиб, уларнинг тарихи, ўзаро алоқаси, мақсадларини бир қарашда аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига, фуқаролар уруши йилларида бу партиялар, этник ва диний гуруҳлар бир неча бор турли блокларга қўшилдилар — улар гоҳ қабилалараро зиддиятда иттифоқдош бўлдилар, гоҳ «жиҳод» ёки муқаддас уруш эълон қилиб, ўзларининг кечаги иттифоқдошлари билан ўзаро шафқатсиз кураш олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Ҳокимият учун бўлган бу аёвсиз қабилалараро урушда халқ манфаатлари, унинг бугуни ва эртаси четда қолиб кетмоқда.

Бу даврда Афғонистонда тинч яратувчилик меҳнатидан мосуво, асосан жанг қилиш ва одам ўлдиришни биладиган авлод кучга кирмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон халқаро террорчиликнинг, қурол билан савдо-сотиқ қилишнинг хавфли манбаига, жаҳон бозорига асосан гиёҳванд моддалар етиштириб берувчи мамлакатлардан бирига айланди.

БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда йилига икки ярим минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилади ва турли йўллар билан дунёнинг кўплаб минтақа ва мамлакатларига тарқатилади. Афғонистон бугун бутун Марказий Осиё минтақасидаги, бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашларнинг манбаидир. Буни кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушуниб ета бошлади.

Бизнинг имонимиз комилки, Афғонистондаги урушни фақат бир шартга амал қилгандагина тўхтатиш мумкин: Афғонистоннинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаслиги керак. Ва биринчи навбатда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳларга ажал қуроллари етказиб беришни тўхтатиш лозим.

Қурол-яроғ етказиб бериш давом этар экан, Афғонистондаги урушни тўхтатиб бўлмайди. Айни шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ўзбекистоннинг бу таклифи амалда барча буюк давлатлар, Европа парламенти, жафокаш афғон заминида биродаркушлик урушининг тўхтатилишига, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига тилда эмас, амалда манфаатдор бўлган яна кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларнинг ўта мутаассиблиги, экстремистлиги, ўз рақибларидан аёвсиз ўч олиши, ҳокимият ва бошқарувнинг ўрта асрларга хос бўлган шафқатсиз усулларини нафақат Афғонистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатиш режалари борлиги ҳақида кўп ёзмоқда.

Табиийки, Кобулда ва бутун Афғонистонда ҳукм сураётган бундай аҳвол барчамизни ташвишлантирмай қолмайди. Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш фикридан йироқмиз. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бизнинг жанубий сарҳадларимизга яқинлашаётган пайтда чегараларимизнинг ва мамлакатимиз ҳудудининг хавфсизлиги учун хавотирланмаслигимиз ва ташвишланмаслигимиз мумкин эмас.

Шу йил 4 октябрь куни Алматида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Россия Бош вазири В. Черномирдин билан бўлган учрашувида бу ҳақда гапирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Биз Афғонистондаги уруш мамлакатимизда истиқомат қилаётган одамларнинг тинч меҳнати ва осойишталигини бузмаслиги учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Ва бунинг учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор.

Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилаётгани, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчи экани ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман.

Биринчидан, ҳозир қўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин.

Иккинчидан, хоҳлаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги тангликни янада чуқурлаштиради ва ноўрин хавотир уйғотади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали кайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчидан, бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Ва ниҳоят, бугун ёки эртага Кобулда ҳокимият тепасига ким чиқишидан қатъи назар, ўзаро курашаётган томонларга бир парса аён бўлиши керак. Афғон фожиасини сиёсий, тинч йўл билан ҳал қилишдан ўзга чора йўқ. Уруш ва қурол билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Фақат барча қарама-қарши курашаётган томонлар, ҳамма этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар иштирокидаги сиёсий, тинч музокараларгина Афғонистоннинг ички муаммоларини ҳал этиши мумкин.

Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида, Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларининг иштирокида ўтказилиши керак.

Бу урушга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

ОТНИ МАРДЛАР МИНАДИ

Ҳунардан сўз

Қўлга қалам тутишдан мақсад отлар учун зийнат, кўрк, чавандоз учун зурурат ва «тахт» бўлган эгар ҳамда эгарсозлар ҳақида ҳикоя қилиш.

Эгар на фақат зарурат, балки миллий ҳунармандчилигимизнинг нодир турларидан бири ҳамдир. Ўтмишда эгару жабдуқсоз устозларимизни беҳад қадарлаганлар.

Даврлар шамоли билан жабдуқсозлик ҳунари ҳам неча эгилиб, неча тикланди. Деярли унутилиш босқичига етган пайтларини ҳам кўрдик. Техника тараққиёти отуловни қанчалик сиқиб чиқараётган бўлмасин, чархпалак ҳаёт яна унга бўлган эҳтиёж билан юзма-юз қилаётир.

Ҳайриятки, бугун от таъқибдан қутулди. Бу ҳам мустақиллигимизнинг чин маънодаги шарофати бўлиб, миллий, айни пайтда маънавий қадриятларимиз камоли учун ҳисса бўлиб қолажак. Очиғи, бугунги ёшлар у ёқда турсин, ҳатто кексаларимизнинг кўпчилиги ҳам жабдуқсозлик билан боғлиқ атамаларни аранг хотирлай оладилар. «Алпомиш» достони сатрларида учровчи «терлик», «чирги», «беллик», «жаҳалдирик», «эгар», «узанги», «довур», «айил», «пуштон», «қуюшқон» каби атамалар бугун тор маънода қўлланиб қолгани учун ҳам унут бўлиб қолаётир. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Бироқ, шунисига ҳам шукрки, «ариқлар» тамоман кўмилгани йўқ. Шаҳардадир, қишлоқдадир, ҳунарманд усталар бу нодир халқ ҳунармандчилигининг ўлмас анъаналарини асраб, давом эттириб келмоқдалар. Ана шундай фидойи ҳунармандлардан бири Навоий вилояти, Нурота туманидаги Сойчекар қишлоғида истиқомат қилувчи 83 ёшли эгарсоз Ашир бобо Мирашевдир.

Мен уста Ашир бобо хонадонида бўлиб у кишини кўп тингладим. Беш панжаси ҳунарга ботган фарзандлар билан ёнма-ён ҳаётлар кўрдим. Ана шу суҳбатлар руҳини сақлаб қолмоқ ниятида гурунг маромини уста Ашир бобо тилидан баён этишга қарор қилдим:

***

— Хўш, ўтган-кетгандан гапир дедингиз, деганим-демаганим, билганларга уста Ашурман, билмаганларга кўп қатори боши думалоқ бир чол. Ёшим саксон уч бўлса-да, кўнглимда бўз боламан. Келинчагимди Қунсулув дейди. Жоши етмиш тўрт. Биримни икки бўлувида, олти ул, иккі қизимди энасини менга худойимнинг ўзи иноят этди. Қаддимнинг тиклиги, кўкрагимнинг бутунлиги рўзғору фарзандлардан кўнглим тинчлигида. Соям тушди дегунимча фарзандларим ўрнидан дув қўзғалиб то жойлашганимча ҳурматимни қилиб тик туради. Ҳали юзимга бир марта ҳам «э» деб гап қайтаргани йўқ. Мендан бемаслаҳат, кенгашмай-келишмай ҳовлидан ташқарига, ташқаридан ичкарига оёқ қўйгани ҳам йўқ. Мен улардан шундай қиласан деб сўраганим ҳам йўқ, тилаганим ҳам йўқ. Худойим ўзларига ақлу фаросат бериб шу нарсага муяссар этибдики, илоҳим бири ўн бўсин.

Аслимни сўрасангиз, Беш ота манғишловдинг қизилиданман. Олти ёшаримдан отадан жетим қолдим. Отамдин укасини Урал дегич эди. Шунинг тор қубаси-ю, кенг кўнглидан бошпана товдим.

Борингни айт дедингиз, боримни айтар бўлсам, жетти ёшимда бир тишлам нон деб қўлимни жерга урган жигитман. Жетти ёшимда ё бисмилло, деб элдинг подасини боқиб, товганимни қорнимга яратдим. Ишонинг, ишонманг шу пайтда ҳайбардай бир қишлоқнинг подаси олти қорамол эди. Ўйлаб-ўйлаб борс, ўзингга таваккал деб ҳунарни ортидан журишга қасд қилдим. Саккиз ёшимда жўрамабугуз қилишни ўргандим. Хотин-халаж, қиз-келинчакка ишим хуш келди шекилли, бировга маякка, бировга томоқ-қа алмаштириб кун кўрдим. Қўлим тўғри бўлгач, қарасам, одамларга овсар керак. Яна таваккал қилдим. Ҳа, деб туя овсар ясай бошладим. Ишим салпал журишгандай, журагимни босиб олдим. Талпинсам қўлимдан иш келадигандай. Тўққизимда темирчиликка рўйхуш бериб, чўккич ясадим.

Борини айт дедингиз, айта берайми? Баракалла, айтсам, қишлоқнинг кўнадўзи ҳам мен, массидўзиям мен. Қилган ишимдан, тиккан жумушимдан биринни жийирган бўлмади. Дурадгорлигиниям ўргандим. Тош устаям бўлдим. Қимаган касмим қомади-ёв.

Бир куни денг бир эгарчига ёндаш келдим. Қарасам, қиса бўладиган иш. Кўнглим човди. Ке, шунисиниям бир кўрай дедим. Қишлоғимизда эгар пойлайдиган бир устанамой бўтич эди. Менгаям ўргатинг, деган ният билан қошига бордим, аммо ҳайдагандай қилди. Денг, суяк-суягимдан ўтиб кетди-ёв. Шу устоликда сендан ўтмасам, журган эканман-да, деб эгарсоз бўлишга қасд қилдим. Бошқа қасамди ҳаммасини йиғиштириб қўйдим-да, ёппирай деб эгар ясашга тушдим. Харидорим чиқди, талабгорим кўпайди.

Мен ясайдиган эгарди қорақалпоғи эгар дейишади. Бир номи қизил эгар. Эгарди толдан ясаймиз. Тезликка узилмайди, сал-палга бузилмайди. Энди билсангиз, эгарсоздиям пири, эгар ясашнинг ҳам рисоласи бор. Эгарни рисоласида 12 бўлак бўлади. Буни маъниси бор. Қадимда чавандоз отдан йиқилиб кўз жумса, сабаби ахтарилганда эгари ҳам тафтиш қилинган. Агар эгар ўн икки бўлакдан бўлмаган бўса, эгарсозни айбдор, деб қозилар унга катта жазо беришган. Ана энди эгардинг карсони уч бўлак, қоши уч бўлак, беллиги бир бўлак, икки жонбошдаги уламаси икки бўлак, яна бир жопламаси бир бўлак. Мана бу — рисоладаги эгар.

Биз азал-азалдан ўзимизнинг қишлоқ орада етиштирилган тол оғочлардан фойдаланамиз. Яхшилаб қуритиб, сўнг кесамиз. Тахта тайёрлаб шакл берамиз, тарашлаймиз. Тарашлаб бўғач, пойлаймиз. Пой деганингиз, хўкиз, туя ёки майда мол ёки бошқа катта молларнинг пайини сотиб оламизда, уни яхшилаб қуритамиз. Сўнг рўзғордаги каттакичик билан тўқмоқни тагига қўйиб битта-битта титамиз. У худди жундай ёки Каттақўрғоннинг мойли ҳолвасидай титилади. Қўлдан тайёрланган желим билан пойди иккаласини қўшиб, эгарди бир жойи қомасдан пойлаб чиқамиз. Эгар қанча яхши пойланса, шунча чидамли, шунча бақувват бўлади. Не келбат чавандоз полвон бўлмасин зарбиниям кўтаради, илкисиниям кўтаради. Шундан кейин эгарди устига менман деган ҳўкизнинг ҳўл териси тортилади. Бу тери 1400-1500 дона мих билан яхшилаб маҳкамлангач, эгар ёзда офтобга солиниб, қишда иссиққа қўйиб қуритилади.

Ўзим билмаган одамга эгар сотмайман. Бозорга чиқариб, писанда қилиб яраши учун эгар ясамайман. Кимди билсам, ким ёки мени ҳунаримни билса, эгаримни сотганим бўлсин, деб ўзимга-ўзим онт бердим. Бола-чақамга ҳам ўргатдим. Йўқ, болам, мен гапимга пардоз бераётганим йўқ. Кўнармайдиган, синмайдиган, жетмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Тош ҳам кемтинади. Лекин ҳунарманд қўл учида пул деб, бозор деб бировни алдаса, нонига уради. Мен шундан қўрқаман. Эгар сотар бўлсам, олувчи билан ҳамиша юзма-юз бўлганман. Худога шукр, эгар ясаб ҳали бировдан дакки эшитганим йўқ. Юзим ёруғ. Шунинг учун ҳам уч ўғлим — Рустамимди, Муҳиддинимди, Ҳайитбойимди эгар ясашга ўргатдим. Тўлиқ ишни маромини олиб, нон товуб жеяётгани мана шу Рустам.

Рустамбой олти йилдан буён касбимди давом эттириб, эгар ясаб келаётир. 1995 йилнинг 24-25 октябр кунларида Тошкентда бир катта жийин бўғон. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг элчик ёшга тўлуви муносабати билан пойтахтимизда бўлган ҳунармандларнинг катта кўригида иштирок этди. Ясаган эгарларини эли халққа намойиш қилиб, катта обрў-эътибор билан қайтди. Минг қатла шукр дейманки, давлатимизнинг мустақил бўлуви биз каби оддий ҳунармандларнинг ишларига эътибор ошувига катта бир туртки бўлди. Бу Рустам деганингиз Тошкент Маданият институтини битириб, кўп йиллардан бери қишлоғимиздаги китобхонада ишлайди. Маслаҳат бердим: «Болам ишингди ярмини ол, ярми кун эгар яса», — дедим. Нуротадаги катталар ҳам маъқул топувди. Мен ҳам хурсанд, ўзи ҳам хурсанд.

Мен сизга айтсам, менман деган эгар икки минг сўм сотиладиган бўса, унга кетадиган ҳаражати лоп-қопсиз учдан иккисини ташкил қилади. Яна бир гапди илдиринг, ҳали гапимда қанча мих кетишини айтувдим. Эгарга тери тортиш камида беш-олти соатга етади. Агар бир эгарди бетўхтов ишлаб питираман десангиз, оз эмас, кўп эмас, 110-120 соат кетади. Бир кеча-кундузингиз йигирма тўрт соат бўса, ҳисоб-китоб қилаверинг. Бир ойда ёки бир йилда нечта эгар ясаш мумкин. Тирикчилик, рўзғорчилик, бошқа ишлар, мукка тушиб фақат эгар ясалмайди-ку.

Мақтанаяпти дерсиз, қимаган амалим жўқ. Жўрма бугуз ясадим, отга наҳал қилдим, ўроқ ясадим. Бирон бир кун қараб турганим йўқ. Уруш жиллари бир ўзим 14 болани боқдим. Бировга эланиб, бир парча зоғора ёки арпа нон бер деб борганим жўқ. Ота-бобомиз «ҳунарли одам хор бўлмайди», — деб айтиб ўтиб кетган. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг барини ҳунарга ўргатдим.

Мен урушда саккиз ой бўлдим. Урушди қайнаб қоғон жойида бўлдим. Курскида оёғимдан яраланиб, жабрини ҳам тортдим. Урушдаям, госпиталдаям, қўлимда ҳунар бўғани учун эрка солдат бўлдим.

Бир пайтлари келди денг от қирғин бўлди. На кўпкари қолди, на пайга. Дўстдан бўлдими, душманданми, ман-ман деган отларнинг барини қийратди. Мана, ораб-шароб кунлар ҳам келди. Ҳар икки эшикдан бирида от. Не бир полвон чавандозлар яна элдинг кўзига тушди. Лекин, болам, бир нарсага жўқманда. От минган одам мард бўлса, ўзини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга ташламай, эгардинг устида қарчиғайдай турса. От минган йигит Алпомиш бўса. Ҳув, деб отнинг жиловини силтаганида саккиз чақиримдаги қарғалар патирлаб учса. Ана уни чавандоз дейсан, ана уни жигит дейсан.

Гая-гая ўзимга ҳей, Ашир чол дейман, ёшингни яшадинг, ошингни ошадинг. Бу дунёда армонинг йўқ. Манов журтинг мустақил бўлди, эли халқингга эрк берди. Президентинг мард-танти жигит экан, армонинг жўқ дейман. Халқинг ҳунар ўргансин, шунда минг қийинчилик бор. Лекин қийинчилик экан, деб осмонга қараб ўтирсанг кўкдан куйган тешик кулча тушармикан? Йўқ, қўлинг қимирласа, оғзинг қимирлайди.

Энди, болам, нимани ёзасан, нимани ёзмайсан ўзинг биласан. Маъқул товсанг деганимни барини жозабер. Мендан гап қолади, сендан меҳнат. Болаларимниям жоз. Ўнг қўли ўн ҳунар деб жоз. Бошқаларга ҳам айт: боласини ҳунар билан эркаласин.

***

Ашир бобонинг гаплари мени ўйга толдирди. Қани энди Ашир бобо ва унинг фарзандлари каби бошқалар ҳам ҳунарни бош унвон деб билсалар. Тўғри, бугун меҳнаткаш, фидойи инсонлар, ажойиб ёшларимиз ниҳоятда кўп. Уларнинг адл меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек улуғ ишлар қарор топмоқда. Лекин «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деганларидек, кимлардир эгарсоз уста Ашир бобонинг гурунгларидан борича фикр этса, дейман.

Суюндиқ МУСТАФОЕВ.

«ОЛТИН ДЕВОР» ПОКИСТОНДА

Яхши асар ҳар доим ўз ўқувчисини, томошабинини топади. Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедияси ўттиз йилки, саҳнадан тушмай, одамларга завқ-шавқ улашиб келмоқда. Эндиликда бу асар Покистонда ҳам саҳна юзини кўриш арафасида турибди. Покистонлик санъаткорлар уни муаллифнинг 60 йиллик муборак тўйига совға сифатида тайёрлашмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз бундай хайрли ишлар жонкуяри, ёзувчи Дадахон Нурийга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

МУХБИР: — Дадахон ака, кўпчиликка маълумки, Сиз бир неча йиллардан буён Покистон адиблари билан ижодий алоқада бўлиб келяпсиз. Айтинг-чи, бу ижодий ҳамкорлик қачондан бошланган?

Д. НУРИЙ: — 1989 йилнинг эрта баҳорида Покистоннинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Саттор жаноблари ўз рафиқаси билан бизникига меҳмон бўлиб келди. Албатта, бу ўша пайтда қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган ҳодиса эди... Абдул Саттор ўта билимдон, адабий мушоҳадаси кенг, фозил одам экан. Машҳур адибимиз Одил Ёқубов «Улуғ хазинаси» ҳақида ҳали ўзимизнинг бирон адабиётшунос алломамиздан эшитмаган фикрларни шу одамдан эшитди. Икковлон роман хусусида узоқ мунозара ҳам қилишди.

Элчининг Ёзувчилар уюшмасида бўлган учрашувда айтган қуйидаги сўзлари кўпчиликнинг эсида бўлса керак: «Халқларни бир-бирига боғловчи, яқинлаштирувчи ҳақиқий Элчи — аслида Сиз, Сизларнинг асаларингиздир. Иншоолloҳ, икки йил-уч йил ўтар Мирзо Бобурдай зотнинг киндик қони тўкилган юртингиз озодликка эришгай. Ушанда бекик дарвозалар очилиб, бир-биримизга янада яқинроқ бўлиб қоламиз!».

Қарангки, орадан роппароса икки йил ўтгач, биз ростданам Истиқлолга эришдик. Тошкентда Покистон Ислом Республикасининг элчихонаси очилди. Элчи Шавкат Али Шайх жаноблари ҳам биз ижодкорлар билан билан яқиндан алоқа боғлади. 1993 йили Табани компанияси Бош директори Ёқуб Табани таклифига биноан Ўткир Ҳошимов бошлиқ бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари Карачида бўлиб қайтдик. Ҳамкасбларимиз билан кўп ижодий мулоқотлар қилдик. Бунинг натижаси ўлароқ Покистонда салмоқли «Ўзбек ҳикоялари антологияси» китоби босилиб чиқди. Покистонлик китобхонлар С. Аҳмад, П. Қодиров, О. Ёқубов, Ў.Ҳошимов каби 20 га яқин адибимизнинг асарлари билан танишиш шарафига муяссар бўлдилар.

Покистоннинг машҳур адиби ва ношири, менинг яқин дўстим Тоҳир Амлам Гора савобли ишларни давом эттириб, ҳозир «Ўзбек шеърияти антологияси»ни нашрга тайёрланмоқда.

МУХБИР: — айни кеча-кундузда яна қандай адабий алоқаларни йўлга қўйиш режалаштирилган?

Д. НУРИЙ: — Ўтган йил ноябрида Исломободда бўлган ижодкор зиёлиларнинг Халқаро Конгрессида нуфузли ўзбек делегацияси ҳам иштирок этди. Ушанда покистонлик ҳамкасблар ўзбек драматургларидан бирининг асарини саҳналаштириш ниятлари борлигини билдиришди. Биз «Олтин девор»нинг мазмунини айтиб берганимизда, комедия уларга жуда маъқул тушди. Қолаверса, бу йил асар муаллифи Эркин Воҳидовнинг 60 ёшлиги...

Исломободдаги Ўзбекистон Республикасининг элчиси Наим Ғойибов бу масала билан жиддий шуғуллана бошлади. Элчихонанинг биринчи котиби, ўзбек адабиётшуносларининг устози Тошмирза Ҳолмирзаев Покистон Маданият ишлари вазирлиги, хусусан, шу вазирлик қошидаги «Умумпок миллий театр жамияти» Бош директори Сажжод Ҳайдар жаноблари ҳамда тиниб-тинчимас ташкилотчи, таниқли театр арбоби Кишвар Наҳин хоним билан яқиндан алоқа боғлади. Махсус комиссия томонидан комедияни саҳналаштириб, Покистоннинг бир неча йирик театрларида премьерасини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, бу ҳақда расмий хат орқали Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига маълум қилинди. Унда «Олтин девор»ни саҳналаштиришда ижодий ёрдам кўрсатиш учун ноябрь ойибошларида Баҳодир Йўлдошев бошлиқ уч кишини юбориш илтимос қилинган. Режа бўйича, ўша ойнинг 22-23 кунлари Исломобод — Равилпиндида, 25—26 кунлари Лаҳор, 28 куни Карачи театрларида комедия премьераси ўтказиш белгиланган.

МУХБИР: — Бу муддат бироз тиғизроқ эмасми?

Д. НУРИЙ: — Мен ҳам шундан чўчиганман. Бироқ яқинда «Олтин девор»нинг видеокассетасини Исломободдаги «Арт коунсл» театр қароргоҳига олиб бориб кўрсатдик. Уни таржимасиз кўриб ўтирибоқ, артистлар образга кириб кетишди. Айниқса, Мўмин ролига кўп талабгор чиқиб қолди. Иккинчидан, машҳур режиссёримиз Баҳодир йўлдошев кўпгина чет эл театрлари учун пиесалар саҳналаштирган тажрибали санъаткор. У ҳар бр дақиқанинг қадрини яхши билади, ишнинг уддасидан чиқади, деб ўйлайман.

МУХБИР: — Комедияда жуда нозик ўзбекона қочиримли иборалар кўп. Уни покистонча-урдуча талқини қандай кечаркин?

Д. НУРИЙ: — Бу борада Покистонда узоқ муддат ишлаб келган комедия таржимони Ансориддин Иброҳимов олдида ҳам анчагина муаммолар кўндаланг бўлганди. Яхшики, лаҳорлик ошнамиз Тоҳир Аслам Гора «ёрдам»га келиб, мушкулимизни анча осон қилди... ҳозир комедиянинг бирнеча урдуча нусхасига эгамиз. Уларнинг бир қисмини Исломободга юбордик. Ўйлайимизки, спектакл покистонлик дўстларимизга маъқул бўлади.

Суҳбатдош А. ҲАЙДАРОВ



Болалигим—пошшолигим

ТЕАТРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси ташаббуси билан шу йил 17-18 октябр кунлари «Амир Темур: буюклик ва инсонийлик» деб номланган республика театрлари фестивали ўтказилади. Фестивал спектакллари Алишер Навоий номидаги республика Академик катта театри саҳнасида намойиш этилади.

Ушбу фестивалда Садриддин Айний номидаги Бухоро мусиқали драма театри «Соҳибқирон Темур» (Салоҳиддин Сирожиддинов асари), Алишер Навоий номидаги академик катта театр «Буюк Темур» (Алишер Икромов) ва «Амир Темур» (Г. Гендел), Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри «Соҳибқирон» (А. Орипов асари), Ю. Ражабий номидаги Жиззах мусиқали театри «Фотиҳ Музаффар» (О. Ёқубов асари), Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали театри «Соҳибқирон» (А. Орипов), М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё мусиқали драма театри «Соҳибқирон» (А. Орипов), Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё мусиқали театри «Йилдирим Боязид» (Қилич Абдунабиев), Олим Хўжаев номидаги Сирдарё мусиқали драма театри «Амир Темур» (Ҳусайн Жовид), Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона мусиқали драма театри «Амир Темур ва Тўхтамишхон» (Тўра Мирзо асари) спектакллари билан қатнашадилар.

Шунингдек, ушбу тадбирда қўшни республикалардан ташриф буюрган Қ

Фарид УСМОН

ҲУСН ДЕВОНИДА ОЯТИМ

Қалб

Кўксимизда бир орол бор
Унга сузиб, ўтиб бўлмас.
Кўксимизда бир ўлка бор,
Жанг билан забт этиб бўлмас.
Кўксимизда тўлин ой бор,
Орзуки, у етиб бўлмас.
Кўксимизда остона бор,
Рухсатсиз ҳеч ўтиб бўлмас.
У — бир гулзор,
у — бир бўстон,
Турфа-турфа гуллар сочиқ.
Бу гўшанинг яхшиликка
Эшиклари доим очиқ.

* * *

Кўзим юмсам кўзим олдида пайдосан,
Фикр этсам кўнгил мулкига ошносан.

Фикр этмоққа етмай қолса гар қурбим,
Этолмайсан нечундир менга парво сан...

Бу фикримдан — бу зикримдан жудо қилма,
Ахир сен тоза Ширин, тоза Лайлосан.

Мени Фарҳоду Мажнунлардан ортиқ бил,
Менга ишқ оламида ўзга маъносан.

Деярман доимо жону дилимда сен,
Ҳароратли сен эй жон, яхши жоносан.

Фарид ўлмоққа тайёр ҳеч кўзин очмай,
Кўзим юмсам кўзим олдида пайдосан...

* * *

Бир сабоқ бор: ҳар тонг яъни ибтидо,
Бир ибрат бор: ҳар кеч яъни интиҳо.
Англамаймиз бу ҳолатнинг мазмунин,
Эшитилмас қулоқларга бу садо. —
Тирикликка бизлар пинҳон сўзлаган,
Умримизни совур деган бир нидо...
Бизлар қанча — қанча хато қилсак ҳам,
Тонг отиши, кун ботиши бехато.
Улуғ ИНСОН ибрат олу уқиб бор, бир сабоқ бор: ҳар тонг яъни ибтидо, бир ибрат бор: ҳар кеч яъни интиҳо.

* * *

Ҳусн девонида лабинг оятим,
Очилур чеҳранг била кайфиятим.
Лабмидур, у ёки шеър икки сатр —
Бор у оятни ўқишга рағбатим.
Лаб деб айтилган буюк у байтни билдилар, чексиз менинг ҳам раҳматим.
Чеҳрада кўрдим ёруғ чеҳрангни чин,
Қудратим, ёлғиз ўзингсан Қудратим.
Шеър эмас, тасвир ўзинг, таҳсин ўзинг,
Сен билан нурли Фарид, кайфиятим.

Шеърият

Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.
(Э. Воҳидов)

Шеърият бу — қатим-қатим
Нурлар тўла кечадур.
Шеърият, бу эзгуликка
Олиб борар кўчадур.
Шоир учун нурлар тўла
Кеч уйқусиз кечадур.
Шеърга дилнинг ҳарорати
Кечаларда кўчадур.
Шеърга дилнинг ҳарорати,
Кўчган кеча кечадур.
Шеърга кўчган кечалардан
Шоир қандай кечадур?
Шеърият бу — қатим-қатим
Нурлар тўла кечадур.
Шеърият бу — эзгуликка
Олиб борар кўчадур.

Эркин МАДРАҲИМОВ

ЁРИ, ДИЁРИНИНГ ШАЙДОСИ БЎЛСИН

* * *

Ҳар юракнинг ўз осмони, зуҳроси бўлсин,
Жавҳаридек дил яшнатар шаҳлоси бўлсин.

Муҳаббатнинг турфа чаман боғинда якто
Жон бериб, жонин олгувчи раъноси бўлсин.

Севгининг лаззат аталган дунёси кенгдур,
Ҳар ошиқнинг ўз ҳузурбахш дунёси бўлсин.

Қон йиғласа чархи дуид агар бир ошиқ,
Ҳасратларин тинглагувчи дарёси бўлсин.

Мажнун бўлса-да ким агар бир ёр йўлида
Жондан севган ўз Ватани маъвоси бўлсин.

Ишқ боғига ҳақ деб кирган ҳар йигит-қизнинг
Ҳушин олган ўз булбулиғўёси бўлсин.

Вафони гавҳар деб билган пари-пайкарнинг
Боши узра нур тараттан туғроси бўлсин.

Севса ким ошиқ Эркиндек севсин дилдорни,
Ҳам ёри, ҳам диёрининг шайдоси бўлсин.

ЖОНИНГДА ҚАСДИНГ БОРМУ?

Садоқатли кўнгилга берар доим даст кўнглим,
Оҳанг рабо юракка вобасту пайваст кўнглим,
Демангглар, аҳли ушшоқ, асло майпараст кўнглим,
Муҳаббатнинг шавқидан доим маст-аласт кўнглим,
Тоза бир ёр топибсан, жонингда қасдинг борму?

Оромингни ўғирлар ишқ боғинда ғунчалар,
Шайдо эса юраклар, ёниб, мунгли ун чалар,
Мисли булбул муҳаббат куйин туну кун чалар,
Гул бўларму севгига дил деган ҳам шунчалар,
Дил берибсан ўзгача, жонингда қасдинг борму?

Садоқатли маҳвашнинг садқаси кетсанг оздур,
Ҳаётинг ҳам вафоли ёр бирла сарафроздур,
Тўрт фаслнинг ҳаммаси чин ошиқ учун ёздур,
Ишқдан сармаст юраклар бир умр нағмасоздур,
Узгани дебсан, кўнглим, жонингда қасдинг борму?

Ишқни ўйламаган ўй ° ўймикан, Ошиқ Эркин,
Мос келмаган қадду бўй ° бўймикан, Ошиқ Эркин,
Гўзалларнинг васлига тўймаган Ошиқ Эркин,
Севмоқни, севилмоқни қўймаган Ошиқ Эркин,
Тоза бир ёр топибсан, жонингда қасдинг борму?

ОҚ ТОВБА, ҚОРА ТОВБА

Аҳдингни бузар бўлсанг, бахтингни бузар бўлсанг,
Етта кўз сузар бўлсанг, сендан кечганим бўлсин
Оқ товба, қора товба.

Боқсам ўлай юзингга, қошинг билан кўзингга,
Ўлим тилаб ўзимга,сендан кечганим бўлсин
Оқ товба, қора товба.

Қадримни гар билмасанг, назар-писанд қилмасанг,
Кулдирмасанг, кулмасанг, сендан кечганим бўлсин
Оқ товба, қора товба.

Оғринсанг агар жоним, иймон ила виждоним,
Жунбушга тушиб қоним, сендан кечганим бўлсин
Оқ товба, қора товба.

Сочиб эл ичра заҳар, сазойи қилсанг агар,
Дунёларга солиб жар, сендан кечганим бўлсин
Оқ товба, қора товба.

Айласанг кунда, гулим, Ошиқ Эркинга зулм,
Қонга тўлдирсанг дилим, сендан кечганим бўлсин
Оқ товба, қора товба.

ШАЙДО ЮРАК ЁНМОҒИНГ КЕРАК

Шайдо юрак, ёнмоғинг керак,
Ёр лаълидан қонмоғинг керак,
Муҳаббатнинг оғушларида
Яйраб ҳузур олмоғинг керак,
Шайдо юрак, ёнмоғинг керак.

Малҳам бўлиб ошиқ дилларга,
Хандон қуйлаб шўх булбулларга,
Бахш этиб меҳринг сунбулларга,
Кўнгилларда қолмоғинг керак,
Шайдо юрак, ёнмоғинг керак.

Ишқ аҳлига бағишлаб ором,
Маҳзун юракларни қилиб ром,
Ушолиб орзу, ушолиб ком,
Элга довруғ солмоғинг керак,
Шайдо юрак, ёнмоғинг керак.

Қўшиқ айтиб жонон қизларга,
Гул баргидан хандон қизларга,
Ишқсизлардан ҳайрон қизларга
Ишқ навосин чолмоғинг керак,
Шайдо юрак, ёнмоғинг керак.

Дилдор топай деган аҳдинг бор,
Ишқ ичра порлаган бахтинг бор,
Вафодан қурилган тахтинг бор,
Шу тахт узра қолмоғинг керак,
Шайдо юрак, ёнмоғинг керак.

Ошиқ Эркин қонсин меҳрингдан,
Садоқатинг, буюк сеҳрингдан,
Чиқармагил уни бағрингдан,
Сен-да, кўнгил олмоғинг керак,
Шайдо кўнгил, ёнмоғинг керак.

Абдурауф ФИТРАТ

ТИЛИМИЗ

Тилимизнинг бойлиги тўғрисида «Иштирокиюн»нинг, билмам қайси сонида, бир мақола ёзган эдим. Унда тилимизнинг бойлиги, тугаллиги, кенглиги тўғрисиндаги тонуқларимни кўрсаткандан кейин тилимизга кириб қолган арабча-форси(й) ча сўзлар ва истилоҳларни чиқармоқ тейишликини сўйлаган эдим. Бу тушунчага қаршу бўлган кишилар ҳам, албатта, бордирлар. Бироқ буларнинг қаршуликларини очиқ қилиб қаторлаб ёзайин:

1. Мен турк тилининг асру тушкани ва тушкун бир тутқуни ўрганганимдан бошқа туркчанинг бойлиги, кенглиги, тўлғунлиги учундир.

2. Мен турк улусига ўз бошли (мустақил) бир тил ва шу тилда ёзилган «илм» истайман. Туркчанинг бойлиги, кенглиги ва тўлғунлигини билганим учун бу ишни қулай деб ишонаман.

3. Тилимизнинг ўз бошли (мустақил) бўлуб туриши учун гапларга ва ёзувларимизаро кириб қолган ёт сўзларнинг ўзбекчаларини илкимиздан келганча охтариб топиб ишлай(л)лик. Тилимизда ёзилган «билим»ни кўрмак учун «илмий истилоҳлар» дедикимиз «билим сўзлари»нинг ҳам — илкимиздан келганча туркчаларини топиб олмоқ йўлинда тиришмакни ҳар бир турк ёзғучиси учун «вожиб» деб биламан.

4. Туркчаси топилмаган сўзлар ва истилоҳлар бор эса уларни чиқариб ташлаб ўрунларини бўш қўйайлик демайман; туркчаси топилмаган сўзлар ва истилоҳлар қолсун; бироқ туркчанинг буйруғи остинда кириб қолсун; ... туркча айтганда Франсада яшаган бир турк каби бўлундиғи туркчанинг қонунларига бўйунсуниб яшасун; туркчада турган бир франсўздек «капитулацион» асрори остида турмасун.

Мана меним ўйларим... очиқ кўриладирким: мен ўз истакларим бўйинча эмас, мунтафий бир тушунчанинг қисуви билан бу йўлга кирганман. Турк уруғига ўз бошли бир тил керак. Туркчанинг ўз бошли (мустақил) бўлуви учун ёт сўзлардан қутулиш тейиш. Ўз тушунчаларимни шу йўлда очиб кўрсаткандан кейин бунга қаршу бўлган ўйларимни ҳам кўриб ўтмак керак. Бурунроқ шуни айтайким: бу кун ғазал байтларини тўлдурғуси ишларимизни энг тўлуқ ва энг сойилликлардан бири ул тил истамаймиз. Дейларким: бизга қаршу турган олимларимиз ўз илгиларидан келганча ўзга бир тил билурмадилар, биз масъаланинг у тушунчаларини мутлақ бир йўсунда кўриб осиғланаолмаймиз (фойдаланолмаймиз), унлардан бизга эришкан сўзлар кўчада тил учун ўйланмаган ўтуришларда айтилиб ўткан сўзлардир. Буларнинг сўзларини тинглаймиз:

1. Биз туркчани адми бир тил ёзарға тиришамиз; шунинг учун туркчадан адми сўзларни чиқармасға тейиш.

2. Туркчага кириб қолган арабча, форси(й)чанинг туркчалари йўқдир.

3. Илмий истилоҳларнинг туркчалари йўқдир.

4. Илмий истилоҳларни туркчалашдурмак учун вақтимизни бўшга ўткарган бўлармиз.

5. Чиғатой тилида билим ўқумоқчи эсак, икки юз йил кутиб турайлик.

6. Арабча илмий-адабий бир тилдир: арабча илмий истилоҳларни ўзгармак тўғри эмас, биз билим битикларимиз (илмий китобларимиз) дан илмий сўзларни чиқариб аробачилар сўзини киргуза олмаймиз (шул сўнг сўзни сабоқ бериб турдигим бир мактабнинг ўқучилари ўртасидан бир киши айткан эди).

Мана бизга қаршу айтилган «гап»лар. Бунларга айриайри жавобларимни бермакдан бурун шуни айтайким: шу сўзларнинг ҳаммасидан кўрунатурган нарса — ўзимизни сўйламасак, ўзимизга ишонмайлик, бу ўзимизнинг борлигимизни англай олмасликдан бошқа нарса эмасдир. Сўзларнинг ўзаги, ҳоли шудир: қила олмаймиз, бизники ярамайдир! Тўғрисини айтканда шундай хўр боқган бир эл, ўзига шунча ишонмаган бир улуснинг кураш майдони бўлган тириклик очунинда тизамакка (яшамакка), йиқилмай турурига мен ҳам ишона олмайман!

Биз қила олмай эканмиз?... Нечун?

Ўзлиги яшолмай экан?... Нечун?

Юксалиш йўлига кирган қайси бир эл шундай ишончсизлик билан ишга киришади? Шундай ишончсизлик билан ишга киришган қайси бир эл юксалади? Шул сўроғларга жавоб истармиз... ... Эмди бизга қаршу юрганлар сўзларига сира-ила жавоб берайлик.

Дерларким: туркчадан адабий сўзларни чиқармасға тейиш. Буни биз ҳам қабул этамиз, адабий сўзларни туркчадан чиқарингиз демаймиз, бизнинг тилагимиз адабий сўзларни эмас, арабий сўзларни чиқармоқдир. Англашиладирким, бизга қаршу бўлган оғалар «арабий» билан «адабий»ни айирмасдан гапуралар, буларнинг айтканича, «туркчамизда кириб қолган ёт сўзлар адабий, уларни чиқарсоқ тилимиз адабийликдан чиқар». Мана шу сўзлар ўзимизни севмаслик эмасми? Ўзимизга хўр боқмоқ эмасми? Ўзимизга ишонмаслик эмасми? Ер юзида биздан бошқа бир уруғ йўқми? Қайси уруғ ўз тилини «адабий» қилмоқ учун ёт тиллардан тиламчилик қилади? «Адабий» деган сўз тарқоқ бир маънода айтканда: шеър йўсунинда ёзилган сўздир. Кенграк бир маънода айтканда, тилнинг қоидаларидан чиқмай ёзилгон онглашурлиқ сўздир. Арабча ва форсчанинг бу ўртадошлари йўқдир.

Дейларким: тилимиздаги ёт сўзлар билан «илмий истилоҳ»ларнинг туркчалари йўқдир. Бунинг жавоби қўбдан берилди. Ёт сўзлар ва илмий истилоҳларнинг туркчаларини тиришсак топармиз. Топа олмаганларимизни туркча буйруғина ёздира олармиз. Биз тилимиздаги ёт сўзлар илмий истилоҳларни ўзгартмак тейишлигини қабул этинг, уларнинг туркчалари сўнгра топилар. Йўқ, сиз бу йўлда тиришмасангиз амрингиз болқа экан, буни мен бажараман! Меним тушунганим шудир: турк улусининг илмий ижтимоий қўб дардлари, кўб юксак ўрунлари бордир, шул дардларни билмамак, шул юксак турумларни тўлдирмоқ қамуғларимизга тейишдир. Бир йўлга тушкан кимсанинг тариқдай амри бу ишга ўткан бўлмайдир.

Дерларким: чиғатойча билим ўқумоқчи эсак, икки юз йил кутайлик. «Етти кунда бутун номларни чиғатойчада ёзиб, «либлун»дай қилиб қўлингизга топшураман», деган ким? Биз-да биламиз, бу иш қулай эмасдир, кўб вақт истар; шунинг учундирким ҳозирдан ишка киришкали ошиқуб турамиз. Биз аробачилар тили билан билим ўқиёлмас эканмиз. Сўзми бу?! Бу қора ишларнинг «ҳўнҳу»ларга ўхшатиб «илмий», «адабий»нинг тарихига қарамоқ яхши бўлмас эдими?!

Ҳикмат, ҳандаса билимлари арабларга кўкдан инмади. Улар бу билимларни юнонлилардан олдилар; арабларда бу билимлар йўқ чоғда илмий истилоҳлар ҳам йўқ эди. Бироқ шу «истилоҳоти илмийя» деб олган сўзларнинг ўзи бор эди. Айтайким: ҳаёт билими йўқ экан деб «ҳисоб — ҳ» деган истилоҳ йўқ бўлса, ҳаёт(да) «ҳисоб» билан «ҳ» сўзи бор эди. Арабнинг шоири, бойи, аробачиси, туячиси — бариси булутнинг ҳисобини билдурғучи нарсани «мази» дер эди. Арабда ҳандаса илми йўқ экан, «зовитон доҳтон» деган «истилоҳ» бўлмаса илми арабийнинг мулласиндан тутиб авлиёсигача ҳаммаси пучмоқни «зовия», ичкарини «дохил» дер эди. Насронийнинг ҳаёт мадрасасинда «шамс» деганлари каби туясилар уюшмасинда ҳам «шамс» дерлар. Араблар юнон билимларини ўз тилларига айландирғач, шул туячилар сўзларини олиб «илмий истилоҳ» қилдилар. Биз нечун шундай қилмай эканмиз? Турк сўзини аробачилар сўзи деб ташлагандан сўнг араб туячиларидан олган истилоҳларни қабул этайлик — сўзми бу?!

«Иштирокиюн», 1919, 23 август.

Нашрга тайёрловчи:
Ҳ. БОЛТАБОЕВ.

ИЧКУЁВ ДЎППИСИ

Ғафур Ғулом.. ҳаммамиз учун таниш ва мўътабар бу ном тилга олинганда, беихтиёр кўз ўнгимизда асримизнинг буюк сўз устаси, донишманди, аллома инсон намоён бўлади. Унинг нуроний ва очиқ чеҳрасига, роҳатижон суҳбатларига ҳамма бирдек муштоқ эди. Ғафур ака кириб борган ҳар қандай ҳароратсиз давра хаял ўтмай шўх-шан, чўғдек қизиқ бир базмга айланиб кетган. Унинг беназир нуктадонлиги, фавқулодда ҳозиржавоблиги барчани лол қолдирарди. Устоздаги яна бир ҳайратланарли фазилат шу эдики, у киши форс тили ва адабиётининг ҳам зукко билимдони бўлганлар.

Ана шу табаррук зот билан унутилмас бир учрашувим ҳақида икки оғиз сўзлаб бергим келди.

* * *

1966 йилнинг 25 апрели.

Ўзбекистон маданияти кунлари очилиши шарофати билан Душанбе шаҳрига аллома шоирларимиз Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, таниқли шарқшунос олим, буюк Фирдавсий «Шоҳнома»сининг таржимони Шоислом Шомуҳамедов етиб келдилар. Ўша куни кечки пайт Садриддин Айний номидаги опера ва балет театрида тантанали йиғилиш бўлиши керак эди. Унгача ҳали уч-тўрт соат вақт бор, азиз меҳмонларимиз республика Министрлар Советининг истироҳат боғида ҳордиқ чиқариб ўтиришарди. Ўша пайтлар «Совет Тожикистони» газетасида ишловчи биз, душанбелик бир гуруҳ ўзбек ижодкор ёшлари ҳаяжондан ўзимизни йўқотиб қўйганмиз. Қандай қилсагу ўша жойга ўтволиб, тошкентлик азиз устозларнинг дийдоридан бир дамгина баҳраманд бўлсак, деймиз!

Кўп уринишлардан кейин бир амаллаб Эркин ака билан телефон орқали боғландик. Истагимизни баён қилиб кўмак сўрадик.

— Кўпчилик учун ваъда беролмайман, узр, албатта, — дедилар Эркин ака мулойимлик билан, — лекин бир-икки киши бўлсаларинг, иложи бордир. Мен ҳозир Турсунзодага айтиб кўраман. Дарвоза ёнига келиб турингглар, ўзим чиқиб кутиб оламан.

Эркин ака ўз ваъдалари устидан чиқдилар. У киши туфайли бахтимиз чопиб, ниятимизга етдик. Маҳмуджон Ортиқов, Ўлмас Жамол ва мени Эркин аканинг ўзлари ўтказиб, қароргоҳга олиб кирдилар. Муҳташам хоналардан бирида Ғафур ака, Шоислом ака, Мирзо Турсунзода ва Тожикистон Министрлар Советининг раиси, ўзбек мумтоз адабиётининг чуқур билимдони Абдулаҳад Қаҳҳоров қизғин гурунглашиб ўтиришарди.

Улар билан ийманиб саломлашарканмиз, Эркин ака учаламизни бошларига оҳорли чуст дўппини чиройли қўндириб олган Ғафур акага бирма-бир таништирдилар:

— Булар Тожикистонда ичкуёв бўлиб қолишган жигарбандларимиз...Манави йигит Маҳмуджон Остонов, шаҳрисабзлик. Буниси Ўлмас Жамол, ургутдан. Манави кенжатойлари Солиҳ Қаҳҳор, олтиариқлик.

Эркин аканинг «ичкуёв» ибораси Ғафур акага алоҳида завқ бағишлаганини сездик. Устод хушҳол жилмайиб, бизга бирма-бир синчковлик билан назар ташлаб қўйдилар-да, кейин:

— Қани, ичкуёвлар, бо форси гап мезанемми ёки туркида? — деб сўрадилар.

— Барои мо фарқ надорад... — ийманиброқ бўлса-да, ҳазиломуз жавоб берди Маҳмуджон Остонов.

— Буниси жуда яхши, — сўзини давом эттирдилар Ғафур ака. — Биз учун форсини билишлик беҳад улуғ иш. Буюк аждодларимиз яратиб қолдирган хазинани бусиз очиш мушкулдир.

Ғафур ака шундай дея, бир лаҳза жиддийроқ тин олдилар.Кейин ўртадаги ширин кайфиятни сусайтирмаслик ниятида гапни яна шўхликка бурдилар: —Ичкуёвликда бўлсаям, ўзбекона дўппи кийишни эсдан чиқармасаларинг бўлгани, болаларим!

Ғафур аканинг бу сўзларида қандай маъно ва ҳикмат ётганини англаб етдик, албатта: қаерда бўлмагин, ўзбеклигингни унутмасанг бас!

Турган гапки, бу ишора муҳтарам мезбонларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Мирзо Турсунзода чиройли жилмайганча, Ғафур акага қараб сўз ўйини қилдилар:

Дар кужоеки хонадомон ҳасти,
Тоқеи ёр дўхтаро мепўши ...

(мазмуни: Қаерда ичкуёв экансан, ўша жойлик ёринг тиккан дўппини киясан...)

Ўртада енгил кулги кўтарилди. Ғафур ака улкан дўсти Турсунзодага завқ билан боқиб, сўз ўйинини форсида давом эттирдилар:

Меҳри нигорам як жаҳону, як жаҳон,
Меҳру диёрам сад жаҳону, сад жаҳон.

(Мазмуни: Нигоримнинг меҳри бир жаҳон бўлса, диёримнинг меҳри юз жаҳондир!).

— Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам яна бир бор ҳузур қилиб, кулиб, олишди.

— Жуда соз, жуда соз! — деди ҳаяжонини босолмасди Абдулаҳад Қаҳҳоров. Бош вазир шундай дея бизга ўгирилди: — Қани, йигитлар меҳмонларга илтифот қилинглар. Анави нашватилардан арчинглар, шароблардан қуйинглар. Бундай гапларга ичмай бўладими, ахир?

Шундай қилиб, икки буюк шоир ўртасидаги қисқагина сўз ўйини туфайли даврадаги ширин кайфият янаям қуюқлашиб, биз ҳам қароргоҳ суҳбатига «ейишиб» кетдик. Ўзимизда йўқ хурсанд ҳолда, бу зотларнинг ҳар бир сўзини жон қулоғимиз билан тинглаб, уни юрагимизга астойдил муҳрлаб олишга интилардик.

Ўша кунги унутилмас гурунг бир соатдан ортиқроқ давом этди. Бу орада мумтоз адибларимиз ҳаёти ва ижодидан қизиқарли тарихлар келтирилди, шеърлар ўқилди, латифагўйлик бўлди. Гап мавзуси ўзбеклар билан тожикларнинг азалий қардошлиги ва қондошлигига бориб тақалганда, Ғафур ака Турсунзодага қараб:

— Мирзо, чамамда, сенинг даданг ўзбек бўлган, чунки исми Турсундир. Менинг дадам тожик бўлган, шекилли, исми Ғуломдир, — дея барчани кулдирганлари ҳамон эдимда. Кейин ҳаммалари ўринларидан қўзғалишди. Ташқарида муштоқ турган «Чайка»ларга ўтиришиб, тантанали йиғилишга жўнаб кетишди. Эркин акадан бир умр миннатдор биз «ичкуёв»лар ҳам шоша-пиша катта кўчага чиқдик-да, «шоҳдор» машинада улар ортидан «дум» бўлдик....

Солиҳ ҚАҲҲОР,
Фарғона шаҳри

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва адабиёт жамғармаси шоир, «Ёзувчи» нашриётининг бош муҳаррири Абдували Қутбиддинга отаси

Абдумўмин
ҚУТБИДДИНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ШАЙТАНАТ»НИ ЎҚИГАНЛАР—

қиморбоз бўлиб кетишидан қўркмайсизми? — деб савол берди - 7 синф ўқувчиси Турсунова Гўзал.

Ёзувчи Тоҳир Малик, шоирлар Абдулҳай Носиров ва Сабриддин Садриддиновлар билан учрашув ана шундай болаларча ҳайрату ёшларга хос тагдор савол-жавобларга бой бўлди. Пойтахтимиздаги Абдулла Набиев номли болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази боғида бўлган суҳбат инсоннинг маънавий олами шаклланишида адабиётнинг ўрни мавзуси атрофида кечди. Айни вақтда кишининг ёшликдан истеъдоди қирралари очилишида абадий муҳитнинг таъсири ҳақидаги баҳсда Тоҳир Малик ҳам фикрини болаларча очиқ айтди-қўйди:

— Мен ёзувчи бўлишимда ким сабабчи эканини сўрадингиз. Жавобим битта: Оллоҳ мени шундай яратган. Асли ёзувчи бўлиб туғилганман. Лекин ана шу ёзувчи боланинг ёзувчи бобо бўлиб етиши учун жуда кўп яхши одамларнинг хизматлари синган. Жумладан, мана шу ижодиёт марказидаги адабий сабоқлар ҳам менга кўп нарсаларни ўргатган. У вақтларда бу даргоҳ «Пионерлар уйи» дейиларди. Ҳозир негадир кўп жойларда адабиёт тўгараклари ёпилиб кетган. Мен бу ҳолдан ташвишланаман. Мана, сизларнинг адабиётга меҳрингизни туйиб, «Ҳулкар» тўгарагингиз аъзоларидан — Гўзал, Малика, Маъмурахонларнинг шеърларини эшитиб яйраб кетдик. Модомики, болаларимиз қалбларини адабиёт нурлари ювиб турган экан, улар ҳеч қачон Шайтонларга дўст тутунмаслигига ишонаман.

М. МУРОДОВА

Куз келса қишдан нишон

Пўлат ЗОҲИДОВ

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР АБАДИЯТИ

Соҳибқирон даврининг баъзи меъморий муаммолари«Обидаларимиз авлодларга бизнинг кимлигимиздан дарак беради».Шарафиддин Али Яздий, «Зафарнома»

Соҳибқирон Амир Темурнинг Марказий Осиё архитектураси тараққиётида улуғвор Уйғониш — Ренесанс даврини бошлаб бергани, доруссалтана Самарқандни фирдавсмонанд шаҳарга айлантириб, унда маҳобатли қасру саройлар, қўшиқлар, масжиду мадрасалар, хонақоҳлар, работлар қурдиргани, атрофда бири-биридан зебо боғу бўстонлар бунёд этгани маълум ва машҳур. Худди шундай умри боқий иморатлар Шаҳрисабз, Бухоро, Қарши, Тошкент, Туркистон, Балх каби шаҳарларда қурилганини ўша даврдан қолган меъморий ёдгорликлар тасдиқлаб турибди.

*Ҳазрат Амир Темур сўзларини эслайлик: **«Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар қилишни, дарёлар устига кўприклар солишни буюрдим». Меъмор-муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа тархини чиздирдим»** Бу сўзлар замирида ҳозир ҳам кишини ҳайратга келтирувчи маҳобатли бинолар турибди.*

*Ҳазрат Амир Темурнинг шаҳарсозлик ва меъморият соҳасидаги беқиёс бунёдкорлик ҳиммати, азму шижоати Марказий Осиёдаги кейинги асрлар архитектураси тараққиёти йўлларини кўрсатиб берди. Машҳур шарқшунос олим академик В. В. Бартолд ҳайрат билан эътироф этганидек, **«мусулмон архитектураси»** тарихидаги энг яхши даврлардан бири Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқдир».*

Бундай улуғвор йўлланмани амалга оширишда ҳазрат Амир Темур атрофидаги азиз-авлиёлар, олиму фузалолар, аҳли илм ва аҳли ҳунарларнинг сидқидилдан ижодий рағбат ва шукуҳ билан қилган меҳнатлари беқиёс самара берган. Биз бу ўринда Соҳибқирон саройидаги соҳибжамол, доно маликаларнинг ҳам меъморий бунёдкорлик жараёнига кўрсатган таъсирлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Кўпи ёлғон, кўпи чин...

Афсоналар, нақл, латифа, ривоятларда тафаккурнинг мислсиз парвозини, хаёлот олами мўъжизаларини сезамиз. Мозий билан боғлиқ афсоналарда эса баъзан тарихий ҳақиқат парчаси бўлиши мумкин. Ана шундай афсоналарни, айниқса, меъморий қадриятларни зиёрат этганда эшитамиз. Шоир айтганидек, «кўпи ёлғон, кўпи чин» афсоналар ичидан тарихий ҳақ сўзни ажратиб олиш ниҳоятда қийин бўлади.

Фирдавсмонанд деб таърифланган кўҳна Самарқанднинг меъморий ёдгорликларини зиёрат этар эканмиз, шаҳарнинг энг катта масжидини ҳайрат билан кузатамиз. У соҳибқирон Амир Темур томонидан 1399-1405 йилларда бунёд этилган Масжиди жомеъдир. Шу манзилда — бинонинг қурилиши билан боғлиқ ажойиб афсоналарни эшитиб, чуқур ҳаяжонга тушамиз.

Малика Бибихоним ва меъмор ҳақидаги афсона, айниқса, машҳур. Эмишки, кўп йиллик ҳарбий сафардан қайтаётган ғолиб Соҳибқиронга мислсиз туҳфа тайёрлаётган малика Бибихоним масжид қурилишини тезроқ тугатишни меъмордан илтимос қилади. Меъмор эса фурсатдан фойдаланиб, малика олдида юрак дардини очади — ножоиз шарт қўяди: бир бўса эвазига бинони тугатишини маълум қилади ва ҳ.к. Бу ривоят турли ўзгаришлар билан деярли ҳар куни такрорланади. Бу афсона доврўғи бутун дунёга тарқаган, жуда кўп китобларда келтирилган.

Афсона ўз номи билан афсона. Унда ақлбовар қилмайдиган уйдирма бўлиши мумкин. Лекин Самарқанддаги Масжиди жомеъ каби муқаддас даргоҳ пойида туриб эшитган ривоятимизда Соҳибқирон Амир Темур ва унинг никоҳида бўлган малика Бибихоним — Сароймулкхонимга нисбатан айтилган жиндек уйдирма борга ҳам ўхшайди. Ахир ўйлаб кўрайлик. Соҳибқирон етти йиллик жаҳонгирлик сафаридан ғолиб қайтганда — 1404 йили 69 ёшда эди. Сароймулкхоним эса 65 ёшлик мўътабар нуроний кампир эди. Шундай зоти улуғ шарифалар шаънига ҳозирги кунда ҳам ҳақиқатга зид бир чўпчакни бизнингча боғлаш у қадар инсофдан эмас.

Катта малика, Катта она, Катта хоним, Маҳди улё («Олтин беланчак») номлари билан эъзозланган Сароймулкхоним ниҳоятда доно, зукко, тадбиркор малика эди. Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо, набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзолар ўз вақтида Сароймулкхоним тарбиясида бўлганлар. Маликанинг меъморий бунёдкорлик соҳасидаги саъй-иҳтимомлари эса ҳали дуруст ўрганилмаган. Ҳозирча фақат Жомеъ масжиди қаршисида Сароймулкхоним ўз онаси шарафига қурдирган мадраса тарихдан маълум. Асрлар давомида бузилиб кетган бу мадраса қолдиқлари бундан бир неча йил илгариги археологик қазишлар вақтида очилди.

Масжиди жомеъ қурилишини кузатишга келган Соҳибқирон Сароймулкхонимнинг мадрасасида тўхтаб ўтганини сарой тарихчиси Фиёсиддин Али хабар қилади. Бу мадрасанинг тарихий қисмати ҳам махсус тадқиқотларни кутиб ётибди.

Сароймулкхоним мадрасаси

Самарқанднинг Жомеъ масжиди Соҳибқирон Амир Темур тасдиқлаган лойиҳа асосида шахсан кўйган тамал тошидан бошланиб, жуда тез суръатлар (1399-1405) билан қурилган. Фармони олийга кўра, ўша даврнинг энг катта ва энг муҳташам Масжиди жомеъси бўлиши керак эди. Худди шундай талаб ила қурилди. Масжиднинг сақланиб қолган қолдиқлари ҳали ҳам ўз маҳобати билан зиёратчини ҳайратга келтиради.

Баланд тоқу равоқлари, кошинкор безакларни кузатар эканмиз, ўша замон тарихнависи Шарафиддин Али Яздийнинг **«Агар осмон гумбази бўлмаганда масжид гумбази оламда ягона бўлар эди»,** деган муболағаси эсга тушади.

Қизиғи шундаки, тарихнинг чалкаш тақозоси билан бу улуғвор меъморий мажмуа кейинги даврда Бибихоним масжиди сифатида нотўғри номланиб келмоқда. Самарқанд аҳолиси айниқса, кексалар ҳозир ҳам мазкур бинони эски одатга кўра «мадрасаи хоним» деб билишади. Бу, албатта, нотўғри.

Шарқшунос олим. А. Вамбери 1863 йилда Самарқандни дарвиш ҳирқасида зиёрат қилар экан, улкан бинони «Бибихоним мадрасаси ҳаробалари» сифатида таърифлайди. Таниқли турколог олим В. Радлов 1868 йилда Самарқанд ёдгорликларини томоша қилиб, «Бибихоним мадрасаси барча мадрасалар ичида энг ажойиб ва улуғвор», деб ҳайрат билдирган. Орадан ўттиз йил кейин Самарқандда бўлган немис олими Шуберт фон-Золдерн ҳатто «Мадрасаи хоним»нинг дастлабки тарҳи чизмасини мадраса шаклида тиклаб эълон қилади.

Самарқанд осори-атиқаларини дуруст билган шарқшунос олим В. Вяткин XVIII асрдан бошлаб аҳоли мазкур бинони Бибихоним мадрасаси деб атаб келганини қайд этиб ўтади.

Беихтиёр савол туғилади: бу қандай чалкашлик, наҳотки дунёга машҳур меъморий ёдгорликнинг номи ҳалигача аниқ бўлмаса? Тарихий ҳақиқат қандай ўзи? Бинони масжид деб аташда ҳақиқат бўлса, уни мадраса деб таърифлашда қандай тарихий сабаб бор? Бу борадаги тарихан энг қадимги чалкашроқ хабарни 1404 йил кузида Самарқандга келган испан элчиси Р. Клавихо беради. Элчи ўз кўзи билан кўрганини тушунганича таърифлаган, албатта. Оқибатда баъзи нотўғри фикрларни ҳам айтган. Элчи шаҳардаги энг катта ва мўътабар масжидни Амир Темур ўз хотини Хонимнинг онаси шарафига қурдирган, деб жиддий хатога йўл қўяди. Клавихо айтишича, Амир Темур масжид девори, тўғриғоғи, пештоқи паст чиққанидан норози бўлиб, уни тезликда бузиб ташлашни буюрган эмиш. Ишнинг зудлик билан бажарилишини Соҳибқироннинг ўзи шахсан кузатиб боради.

Клавихонинг хабарига эътибор беринг: «Масжид Бибихонимнинг онаси шарафига қурилган». Бу маълумотни қандоқ тушунмоқ керак? Чамаси, гап масжид қаршисида мадрасанинг янги пештоқи ҳақида бормоқда. Унинг пештоқи нисбатан баланд бўлгани учун дарғазаб Амир Темур ишни осон ҳал этганга ўхшайди. Янги қурилган улкан Жомъе масжиди қаршисидаги мадраса пештоқи бузиб ташланади. Бунинг энг осон йўли пойдеворни қўпориб ташлаш, тагига сув қуйиш бўлади. Аммо Соҳибқирон амри қанчалик даражада амалга оширилгани ҳозиргача номаълум. Чунки тўсатдан ёққан қалин қор туфайли ишлар бироз тўхтаган бўлса, Амир Темур вафотидан кейинги тўс-тўполонлар даврида бутунлай қолиб кетган.

Тарихдан маълумки, масжид қаршисидаги мадрасанинг пештоқи бутунлай бузилиб кетган.

Тарихнавис Фасиҳ Ҳавофий (1375-1442) худди шу муаммога аниқлик киритади: **«Соҳибқирон Амир Темур Жомеъ масжидини келиб кўраркан, Ҳожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалд томонидан йўл қўйилган исрофгарчилик ва бузуқликлардан дарғазаб бўлди. Сароймулкхоним мадрасаси айвони жуда баланд, Соҳибқирон Жомеъ масжидининг айвони эса нисбатан паст чиққан экан. Ваҳоланки, икки айвонни (яъни пештоқни) ҳам ўшалар қуришган эди».**

Оламшумул тарихий воқеаларнинг шахсан гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ орадан қарийб 33 йил ўттандан сўнг масжид ва мадраса ҳангомасин қуйидагича эслайди ва муаммонинг асл моҳиятини аниқлашга ёрдам беради: **«Темурнинг бош хотини Катта малика (ҳам) бир мадраса буюрган эди. Меъморлар ва ҳандаса аҳли бу мадрасанинг жойи Темур қуришга буюрган Жомеъ биноси муқобилида бўлишини лозим топдилар. Кейин улар мадраса рукнларини баланд ва биносини пишиқ қилиб ўрнатдилар. Мадраса табақа ва деворларини Жомеъга нисбатан баланд кўтардилар. Натижада мадраса айвони Жомеъ айвонидан юқори бўлди...**

Қачонки, Темур ушбу мадраса қомати чўзилиб, ўз... жомеъсидан юқори ва баланд эканлигини кўргач, унинг нафрати ошиб, ғазабга тўлиб, аланга олди...»

Демак, мадраса «Жомеъ биноси муқобилида», яъни қаршисида жойлашган экан. Шарафиддин Али Яздий ҳам мадраса масжидга нисбатан муқобил воқеъ бўлди, дейди. «Муқобил» сўзи меъморчиликда ўзаро қарама-қарши, қўш тарзида турувчи икки бино, пештоқ-айвон каби иморатлар жойлашувига айтилади.

Мисол учун Самарқанд Регистонидаги қўш мадарса — Улуғбек ва Шердор мадрасалари, Бухородаги Абдуллахон томонидан қурилган қўш мадраса муқобил услубининг ёрқин намуналаридандир. Демак, Жомеъ масжидининг қаршисида муқобил тарзда Сароймулкхоним мадарасасининг пештоқи қад кўтарган экан. Ана шу пештоқ аслида янги қурилган масжид пештоқига мутаносиб, муқобил бўлмагани учун Амир Темурнинг қаҳрини қўзғаган.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазишлар натижасида Сароймулкхоним мадрасасининг ер остида сақланган қолдиқлари топилди. Маълум бўлишича, мадраса пештоқининг қолдиқлари масжид пештоқига нисбатан қиёроқ ҳолатда жойлашган экан. Бунинг сабаби аниқ: мадраса асоси масжиддан анча илгари қурилган, янги масжид эсаҚиблага қаратиб, мунажжимлар кўрсатмаси асосида солинган. Натижада, бино қанчалик маҳобатли бўлмасин, унинг қаршисидаги бинога монанд бўлмагани сезилиб қолган. Меъморий мажмуада мутаносиблик услуби бузилган. Амир Темурнинг бу ишга мутасадди меъморлар ишидан норози бўлганининг асосий сабабини энди тушунса бўлади.

Меъморий услуб талабига кўра нотўғри, номуқобил тушган мадраса пештоқи бузилишга маҳкум эди. Шунинг учун ҳам кейинги асрлар давомида мадраса ғиштлари ташиб кетилди, қисман қаршисидаги Жомеъ масжиди таъмирига ишлатилди.

Бундан буён ҳанузгача давом этиб келаётган тарихий чалкашликни тузатиб, Бибихоним масжиди номи билан машҳур меъморий ёдгорликни энди **Амир Темур Жомеъ масжиди**, деб айтсак айни муддао бўлур эди. Чунки тарихий ҳақиқат шундайдир.

Бибихоним — Сароймулкхоним саъй-иҳтимоми билан қурилган катта мадрасада Вамбери эшитганидек, «1000 га яқин талаба ўқиган»лиги Она маликанинг нақадар доно, илмпарвар эканлигидан дарак беради. Ўз даврининг энг катта дорилфунуни — университетини бунёд этган Бош малика — Сароймулкхонимнинг нақадар буюк эъзозга муносиблигини кўрсатади. Султон Шоҳруҳ, унинг ўғли Мирзо Улуғбек каби шаҳзодалар худди шу дорилфунунда таҳсил топган бўлсалар ажаб эмас.

Бу бино кейинги давр тарихий манбаларида фақат Малеҳо Самарқандий (XVII аср) Хоним мақбараси, деб аталган. Лекин қайси хонимлиги номаълум! Абу Тоҳирхожи «Самария»да (XIX асрнинг 30-йиллари) Самарқанднинг барча асосий қадамжолари, қабристонлари ва мақбараларини батафсил санаб ўтган. Бироқ муаррих бирор Хоним номидаги мақбарани тилга олмайди. Бу ҳол тасодиф бўлмаса керак, албатта.

1875 йили зилзила оқибатида вайрон бўлган бино харобаларини тозалаш натижасида тагхона ичида тош тобутлар борлиги маълум бўлди. Шу муносабат билан аҳоли орасида тезлик билан турли ривоятлар тарқалди. Айниқса, аёл жасади топилган тош тобут ҳаммани ҳайратга келтирган эди. Ахир, мусулмонлар орасида жасадни мўмиёлаш одати бўлмаган-ку? Натижада, бу жасадлар рус ёки хитой миллатига мансуб маликалар бўлса керак, деган овоза тарқайди. Ўша йили маҳаллий матбуотда Жомеъ масжидини қурдирган Малика (Бибихоним масжидни эмас мадрасани қурдирганини айтиб ўтдик) Бибихоним қабри ва мақбараси деган афсона пайдо бўлди. Шундан бери бино Бибихоним мақбараси деган ном билан овоза бўлиб келмоқда.

1941 йилда махсус илмий экспедиция бино тагхонасидаги тош тобут ичидан бир аёлнинг мўмиёланган жасади қолдиқларини топиб, уни Бибихоним деб эълон қилди. Лекин топилган қолдиқларнинг антропологик илмий тафсилоти ҳозирча ҳеч қаердан топилгани йўқ. Ўша мўмиёланган жасад қолдиқларини Тошкентдаги Амалий санъат музейида, кейинроқ Самарқанд музейи заҳирасида кўпчилик кўрган экан. Баъзилар даставвал жасад бошида жингалак қора-қўнғир соч қолдиқларини кўрганини айтган бўлса, кейинроқ баъзилар оқ соч қолдиқлари ҳақида хабар қилгандилар. Ўша жасад қадди кичик, суяклари нозик аёл эканлиги таъкидланади: баъзилар ўрта ёшдаги аёл деса, бошқалар кекса кампир дейишади. Хуллас, ўша аёл шахси номаълум бўлиб қолмоқда.

Бу ўринда биз учун муҳим бўлган хулосага эътиборни жалб этамиз: биринчидан, бу аёл Самарқанддан анча узоқ жойда қазо топган, шунинг учун ҳам уни сақлаш мўмиёлашни тақозо этган бўлиши мумкин; иккинчидан, бу аёл ўша машҳур Сароймулкхоним эмаслиги аниқ, чунки жасад кампирники эмас, ўрта ёшдаги маликаники. Ибн Арабшоҳ таъкидлашича, Сароймулкхоним заҳарлаб ўлдирилган, бинобарин, тезлик билан кўмиб ташланган. Уни мўмиёлаш учун ҳеч қандай зарурат қолмаган.

Демак, бу бинони Сароймулкхоним мақбараси дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Аслида ўша бино нима мақсадда ва қачон қурилган? Тарих ҳужжатларини, исботни қидиришда давом этамиз.

Ҳиндистон юришидан қайтгач, Амир Темур Самарқанд шаҳрига кириб келишининг биринчи куниёқ, яъни 1399 йилнинг 29 апрелида, Фиёсиддин Али ёзишича, **«Шаҳзода Қусам ибн ал-Аббосни зиёрат этишга азм этди... У ердан қайтиб, у ҳазрати олия Туманоға хонақоҳига қўнди».** Орадан 11 кун ўтгач, 1399 йилнинг 10 май куни хонақоҳга яқин ерда маҳобатли Жомеъ масжиди тамал тоши Амир Темур томонидан шахсан қўйилди. Шарафиддин Али Яздийнинг шаҳодат беришича, **«Онҳазрат бу диний ишни охирига етказишга иштиёқ ва ғайратнинг зўрлиги туфайли шахсан ўзи тез-тез иморат қурилишида ҳозир бўлар ва ҳатто ўша муддат давомида аксарият вақтини қурилаётган масжид яқинидаги Хоним мадрасасида ва Туманоға хонақоҳида ўтказар эди».**

Фиёсиддин Али ва Шарафиддин Али Яздий, шубҳасиз, хонақоҳ деганда Жомеъ масжиди қаршисида сақланиб қолган, ҳозиргача Бибихоним мақбараси деб янглиш ўйлаганимиз бинони, яъни малика Туманоға хонақоҳини назарда тутганлар. Бу хонақоҳ Хожа Аҳрор Валийнинг 1490 йилга оид вақф ҳужжатида ҳам тилга олингани муҳим аҳамият касб этади. Вақфномада айтилишича, ўша даврга келиб хонақоҳ яқинида усти ёпиқ дўконлар — тим ва тими муҳтасар бўлган. Тим майдонининг кунчиқар томони машҳур Туманоға хонақоҳи вақф ерларига туташ экан. Хонақоҳ атрофида бозор бўлганлиги ҳам унинг Шоҳизинда мақбараларига алоқаси йўқлигини яна бир маротаба исбот қилади.

Юқорида келтирилган тарихий далил ва тахминлардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади.

— кейинги бир аср давомида китобларда Бибихоним мақбараси деб кенг тарғиб этилган бино аслида малика Туманоға хонақоҳ-уйининг қолдиқлари экан. Бу бино Амир Темур замонида кичик малика Туманоға саъй-иҳтимоми билан қурилгани маълум бўлади;

— Туманоға номи билан боғлиқ Шоҳизиндадаги масжид ва мақбара меъморий-бадиий безакларининг хонақоҳ безаклари билан услуб жиҳатидан ўзаро яқинлиги, қолаверса, усталарининг дастхати ҳам яқин эканлиги энди тушунарли бўлди.

Шу кунгача янглишиб Бибихоним мақбараси деб юрганимиз аслида Туманоға хонақоҳи бўлиб чиқиши Самарқанд архитектураси тарихидаги қатор муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Туманоға хонақоҳи

«Онҳазрат (Амир Темур)... ўша муддат давомида аксарият вақтини қурилаётган масжид яқинидаги... Туманоға хонақоҳида ўтказди»

Шарафиддин Али ЯЗДИЙ

Малика Туманоғ (Туманоқа) Амир Темур саройида «Кичик она», «Кичик малика», «Кичик хоним» номлари билан эътибор қозонган машҳур аёл. «Зафарнома»да қайд этилишича, Туманоғ 1365 йилда туғилган. Отаси — Сароймулкхонимнинг бўлаги (холаваччаси) Амир Мусо, онаси Амир Боязид Жалойирнинг қизи Орзумулкоғ бўлган. Кейинроқ Амир Мусо қиргинбарот урушларда Амир Темурга қарши қурашиб келган ва бир неча бор ундан енгилиб, қочишга мажбур бўлган. Кейинроқ Амир Мусо Соҳибқироннинг энг яқин лашкарбошиларидан бирига айланган. Чунки илгари уларни узоқ қариндошлик ришталари ўзаро боғлаб турган бўлса, Туманоғ 1378 йилда Амир Темур никоҳига ўтиши билан янада мустаҳкам муносабатлар даври бошланди.

Амир Темур Самарқанд шаҳрида ўз одатига кўра соҳибжамол Туманоғ учун Оби Раҳмат ариғи бўйига Боғи Беҳишт номли боғ бунёд эттирди. Исми жисмига монанд жаннатдай боғнинг ичида кўркам кўшк — сарой қад кўтарди. Афсуски, бу боғ бинолари сақланиб қолмаган. Туманоғ номи билан боғлиқ иккинчи бино Регистон яқинидаги Тим — Телпакфурушлар гумбази бўлган. Бу бино ҳам бузилиб кетган. Унинг ўрнида ҳозир Чорсу (XVIII аср) деб аталувчи гумбазли усти берк бозор биноси бор.

Тарихий ҳужжатларда кўпинча Туманоғ хонақоҳи тилга олинади. Жомеъ масжиди қурилиши муносабати билан боғлиқ воқеаларда шу масжид яқинидаги Туманоғ хонақоҳида Амир Темур бир неча бор тўхтаб ўтгани қайд этилган.

Фиёсиддин Али ва Шарафиддин Али Яздий ўз солномаларида зикр этиб ўтилган Туманоғ хонақоҳи Жомеъ масжиди яқинида жойлашганлиги тадқиқотчилар эътиборини жалб этган бўлсада, улар бинонинг қатто жойлашган ўрни ва меъморий шакли ҳақида бирор аниқ мўлжални айтишмаган. Кўпчилик хулосасига кўра, бу бино бизгача етиб келмаган, ҳатто бирор қолдиғи ҳам сақланмаган эмиш.

В. Вяткин биринчи бўлиб (1899 йил) хонақоҳ дейилганда Шоҳизинда меъморий мажмуидаги «Туманоғ мақбараси» ёнида жойлашган масжид назарда тутилади» деган тахминни ўртага ташлаган. В. Бартолд(1916 йил) етарлича бўлмаган маълумотларни таққослаш асосида Туманоғ хонақоҳи, деганда Шоҳизиндадаги шу малика номидан қурилган масжидни тушунмоқ керак, дейди.

Кейинроқ бошқа фаразлар пайдо бўлди. Ш. Ратиянинг фикрига кўра, Туманоғ хонақоҳи Жомеъ масжидининг шимол томонида жойлашган бўлиб, бузилиб кетган, гўё ҳозиргача ўрни номаълум.

М. Массон тахминига кўра, Туманоғ хонақоҳи Оҳанин дарвозасидан унча узоқ бўлмаган жойда, шаҳар дарвозасининг ташқи томонида, яъни ҳозирги Ҳазрати Ҳизр масжидининг яқинида бўлган эмиш. Кейинги тадқиқотларда эса (Г. Пугаченкова, Л. Ремпел ва бошқалар) Туманоғ хонақоҳи Шоҳизиндадаги зиёратхона масжиднинг худди ўзгинаси, деган аввалги хулосага қайтилган.

В. Шишкин Шоҳизинда меъморий мажмуидаги тарихий битикларни таҳлил этиш асосида, Туманоғ хонақоҳи шу манзилдаги зиёратхона-масжиднинг худди ўзгинасидир, деб В. Вяткиннинг фикрини қувватлайди. Ҳолбуки, ўзи таржима этган битикда бу бино **масжид** деб қайд этилгани эътибордан четда қолган.

Хуллас, табиий савол туғилади: Туманоғ хонақоҳи ўзи қаерда бўлган, у ҳақда бирор аниқроқ маълумот борми? Наҳотки, шунчалик маълум ва машҳур бино изсиз йўқолган бўлса? Бу муаммоғ қатор тарихий чалкашликлар тугунини ечгандан кейингина жавоб топдик.

Самарқанддаги Амир Темур қурдирган Жомеъ масжидининг кириш пештоқи қаршисида, чамаси 200 метр шарқи-жанубда бир кўҳна иморат харобалари ҳозиргача сақланиб қолган. Кўкка бўй чўзган катта хона ва унинг тагида тагхона-сардоба мавжуд. Марказда чортоқли кенг чорси хона. Тепаси баланд гумбаз билан боғланган. Хона изораси кошинкор. Деворларида ажойиб манзара — нақшин гуллар бўлган. Тўрт тарафидаги кенг деразалар — тобдонлар ва эшиклар орқали хона жуда яхши ёритилган. Остидаги тагхона эса кичикроқ бўлиб, деворлари йирик тоштахталар билан безатилган.

Туманоғ масжиди

Шоҳизинда меъморий ҳазираси-некрополидаги энг юқори ҳовлининг ғарбий томонида ўзаро боғланган икки бино — масжид ва мақбара бор.

Масжид чўзинчоқ хонасига учта эшикдан кириш мумкин. Ўртадаги эшикка чортоқ орқали ўтамиз. Масжиднинг меъморий шаклан тузилиши — равоқ ва гумбазлар, изора ва муқарнаслар ўзаро мутаносиб тарзда. Жанубий эшик устидаги кошинкорий битикнинг таржимаси: **«Ҳазрати Малика Ҳайрун-Нисо номли Туманоғ, одил Амир Мусонинг қизи, Аллоҳ уни ёрлақасин ва раҳматига мушарраф этсин. Аллоҳ таолонинг иродаси ила ушбу масжид пойдеворини қурдирди».** Ушбу тарихий битик муҳим аҳамиятга эга: биз ундан масжидни бунёд этган шахс «Ҳазрати малика» Туманоғ Амир Темур Мусо қизи, унинг болаликдаги исми Хайруннисо эканлигини билиб оламиз.

Масжиднинг шимол томонига туташ мақбара ҳам малика номи билан боғлиқ.

Туманоғ мақбараси

Мақбара мўъжазроқ чорси хонадан иборат. Тўрт тарафидаги равоқлар юқорида саккиз рахли равоқчалар ҳалқаси орқали гумбаз ости безакларига боғланган.

Ташқи томондан хушқанд кошинкорий пештоқ ва баланд кўк гумбази билан диққатни жалб этади. Бинонинг ички ва ташқи безаклари ўз касбининг моҳир усталари томонидан бажарилгани яққоя кўзга ташланади. Бино пештоқи безаклари ичида муҳим тарихий маълумотлар қисман сақланиб қолган.

Бинонинг пештоқида санаси — 808 ҳижрий, яъни 1405 йил кўрсатилган. «Аллоҳ унинг салтанатини давомий айласин» сўзлари Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан айтилгани сезилиб турибди. Бошқа бир битикда **«Ҳатти Шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандгир ат-Табризий»** сўзларини ўқиймиз, «Зафарнома»дан маълум бўлишича, мавлоно шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандгир Табризий Соҳибқирон саройидаги машҳур хаттот-котиб экан.

Малика Туманоғанинг Самарқанд шаҳрида сақланиб қолган уч маҳобатли биноси ҳақида баъзи янги мулоҳазаларни айтиб ўтдик, холос.

Амир Темур вафотидан кейин мамлакатда мислсиз парокандалик бошланиб, тахт учун кураш авжига чиқди. Пойтахт Самарқанд сарой аҳли турли таъқибларга учрайди. Хусусан, Амир Темур ҳарамидаги маликалар тақдири ҳалокат тўфонига дучор бўлади. Ўша воқеалар гувоҳи Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Халил Султон Самарқанд тахтини қисқа вақт эгаллаб олган даврда, унинг хотини Шодимулкоғ фитнаси оқибатида икки малика — Сароймулкхоним ва Тўқолхоним заҳарлаб ўлдирилади.

Шундай даҳшатли алғов-давғов замонда бошқа бир малика — Туманоғабегим Ҳалил Султоннинг рухсати билан Сиғноқ шаҳрига, Соҳибқирон давлатининг энг мўътабар саркардаларидан бири Шайх Нуриддин никоҳига юборилади. Лекин орадан кўп ўтмай, Шайх Нуриддин ҳам суиқасд қурбони бўлади.

Иккинчи марта бева қолган малика Туманоғабегимни Шоҳруҳ мирзо ўз пойтахти Ҳирот шаҳрига чақиртириб олади. Шоҳруҳнинг фарзанди Иброҳим Султон ўз мураббия — энагаси Туманоғабегимнинг Ҳирот ва пойтахт яқинидаги Қусавия (ҳозирги Кўҳсан) мавзеида яшаши учун алоҳида ҳурмат-эҳтиромлар кўрсатгани ажабланарли эмас.

Бундан бир йил мукаддам Халқаро Бобур экспедицияси сафида Афғонистоннинг Кўҳсон шаҳрида бўлиб, Туманоғабегимнинг охирги истиқомат жойларини зиёрат этдик. Малика яшаши учун махсус қурилган маҳобатли бир хонақоҳ Ҳири дарёсининг яқинидаги жуда хушманзара манзилда экан. Узоқ-узоқлардан хонақоҳнинг мовий гумбази кўзга ташланади. Бино таркибида меҳмонхона (алоҳида меҳроби бор), миён сарой ва ошхона бўлган.

Бинонинг шаклий тузилиши, хусусан, меъморий таркиби ва безаклари маликанинг Самарқанддаги биноларини эслатади, лекин, миқёси нисбатан мўъжазроқ.

Дилкушо кўшки-Тўқолхоним саройи

Гоҳ Бўстони Дилкушо ичра,
Қасри айвони жонфизо ичра.
Алишер НАВОИЙ.

Самарқанддаги ноёб меъморий ёдгорликлардан бири Ишратхона номи билан дунёга машҳур. Асрлар оша етиб келган ривоятлар ишратхонанинг аслида ишрат маскани сифатида қурилганини таъкидлайди. Тарихий манбаларда ҳам шундай ишоралар учрайди. Лекин ҳозирги илмий тадқиқотларда баъзи олимлар Ишратхона — мақбара деган даъвони ҳақиқатдек уқтириб келишмоқда.

Ишратхона биноси ҳақиқатан ишрат масканими ёки мақбарами?

Кўпинча олимлар ҳайратланишади: наҳотки, бу бинонинг ишратхона эканлигини исботлаш шунчалик қийин бўлса...

Ишратхона мақбарами? Бири иккинчисини бутунлай инкор этувчи, мутлақо тескари тушунчалар. Мусулмон ақидаларига тамоман зид. Наҳотки, маҳаллий аҳоли мақбарани шаккоклик билан ишратхона деб атаган бўлса? Олимларнинг таъбирига эътибор берсангиз, халқ атамаси гўё бинонинг гўзаллиги, шоҳона маҳобати, зеб-зийнатининг нозик ва нафислиги, мазмунан ишрат базмига муносибдай бўлгани учун кўчма маънодаги рамзий ном эмиш, аслида эса, 1464 йилда қабр устига қурилган муҳташам бино эмиш.

Диққат билан кузатилган тарихий факт ва далиллар бутунлай бошқа мазмундаги, мантиқан асосли натижага олиб келди.

Инқироз, вайронлик, қаҳатчилик оқибатида Самарқандда 1464 йили вабо бошланиб, шаҳар аҳолиси ҳар тарафга тарқаб кетган экан. Вабо изғиған йили шундай улуғвор бинони қуриш мумкинми? Демак, бино анча илгари қурилган, десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Бу дастлабки эътироз.

Халқда сақланиб қолган афсона ва ривоятларда, сайёҳлар сафарномаларида Ишратхона Амир Темурнинг боғидаги кўшккошона деб таърифланади. Дарвоқе, тарихий воқеаномаларда («Зафарнома», «Бобурнома» каби) зикр этилишига қараганда, худди ўша манзилда, яъни Самарқанд ташқарисидаги серсув ва баҳаво Конигил ўланги-яйловининг ўртасида Амир Темурнинг Дилкушо номли энг гўзал боғи жойлашган экан. Шарафиддин Али Яздий Боғи Дилкушо ичидаги кўркам кўшкнинг батафсил таърифини келтиради.

Дилкушо кўшки ўша таъриф-тафсилотларига кўра бизгача сақланиб қолган худди ҳозирги Ишратхонани эслатади.

Самарқанддаги Ишратхона номли ажойиб меъморий ёдгорлик архитектураси ва тарихига бағишланган тадқиқотлар ҳам анчагина. «Ишратхона мақбараси» («Мавзолей ишратхона») номли катта рисола чоп этилганига ҳам чорак аср бўлди.

XV аср солномаси «Тарихи Ҳайрат»да Амир Темурнинг, Самарқанд Конигилидаги Боғи Дилкушо таърифи келтирилган. Айниқса, боғ ичкаридаги бинонинг тасвири кўпчилик мутахассислар эътиборини жалб этиб келмоқда. Ўша китобнинг инглизча таржимасида боғ ўртасидаги муҳташам бино «гавшак» деб талқин этилган. «Самарқанд тарихи» каби бир неча китобларда ўша тарихий маълумот инглизчадан русчага ва ўзбекчага ағдарилган ҳолда келтирилган. Оқибатда Самарқанд боғлари ичидаги махсус кошона қандайдир «гавшак» номида экан, деб хато хулоса чиқарилади. Ваҳоланки, Самарқанд боғларида ҳеч қандай «гавшак» деган бино бўлмаган.

Инглиз таржимони тарихий қўлёзмалардаги «кўшк» сўзининг фарқига бормай, «гавшак» деб нотўғри ўқиган экан, холос. Дарвоқе, араб имлосида «кўшк» ва «гавшак» сўзлари бир хил кўринишда ёзилади. Демак, жузъий хато нотўғри хулосага олиб келган.

Шу каби манбаъдаги «се тоқ» (яъни «уч тоқ», уч пештоқ», «уч дарвоза» маъносида) сўзи уч этаж деб нотўғри таржима этилганки, натижада уч томонида пештоқи бўлган икки қаватли бино уч қаватлига айланиб, бутунлай бошқача бино тушунчасини берган. Юқорида келтирилган «гавшак», «уч этаж» каби бутунлай нотўғри талқинлар Самарқанддаги машҳур Ишратхона билан боғлиқ эканлигини эслатсак, хатолар чигалининг қанчалик чалкашиб кетганини тасаввур этиш осон.

Ишратхона шаклу шамойили билан ҳеч мақбара биносини эслатмайди. Худди шунга ўхшаш бинони Ҳирот шаҳридаги Боғи Сафид ичкарисида қурилган Тарабхона номли кўшк мисолида кузатиш мумкин. Тарабхона — ишратхона демакдир. Ўша «Тарабхона»да меҳмон бўлган Бобур кўшкни бундай тасвирлайди:

«Тарабхона боғчанинг ўртасида воқеъ бўлибтур, мухтасарроқ иморатдур, икки ошёналик, вале ширингина иморатдур, юқориғи ошёнида такаллуф кўпроқ қилибтурлар. Тўрт кунжида тўрт ҳужрадир. Ўзга бу тўрт ҳужранинг ўртаси ва мобайнлари тамом бир уй даҳилидир, бир уйдирким, ҳужраларининг мобайни тўрт шаҳнишин йўсунлик бўлибтур. Бу уйнинг ҳар зилъи мусаввардур...»

Самарқанддаги Ишратхона ва Оқсарой бинолари кўп жиҳатдан Ҳирот шаҳридаги ҳудди шу Тарабхонага ўхшаб кетади.

Қадимги тарихий қўлёзма китобларда қайд қилинишича, Кўшки Дилкушо — Ишратхона XVI аср охирида, Самарқанд шаҳри ташқарисидаги обод боғ ўртасига қурилган улуғвор кўшк экан. Тадқиқотлар натижасида Боғи Дилкушо ичкарисидаги кўшк кейинги асрларда ташландиқ ҳолига келгани, ундан маҳаллий аҳоли мақбара сифатида фойдалангани исбот этилди. Бу ҳақда қатор рисолалар эълон қилинди.

Хуллас, Ишратхона биноси дастлаб шаҳар ташқарисидаги обод боғнинг кўркам кўшки бўлганлиги тарихий ҳужжатлар, хусусан, икки